Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 141 (8.876) ◆ 1996 йил ◆ 27 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Бугун Туркманистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи бошланди

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

Бугун шаҳримизга Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурот Ниёзов икки кунлик расмий ташриф билан келди. Ушбу ташриф арафасида биз Туркманистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедович Пирмуҳамедов билан учрашиб, икки азалий дўст ва қардош республика ўртасидаги ҳозирги муносабатлар Туркманистоннинг бугунги кундаги ҳаёти хусусида суҳбатлашдик.

— Ҳозир Туркманистон эркин, демократик жамият пойдеворини қурмоқда, — дейди муҳтарам элчи. — Албатта, бу енгил вазифалардан эмас. Ва унинг амалга ошиши учун ўтиш даврининг маълум муддати лозим бўлади. Ҳозир Туркманистонда халқ ва Президентнинг хоҳиш иродасига кўра ўн йиллик ўтиш даври белгиланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий фаолият ҳам «Барқарорликдаги 10 йил» деб номланади. Бу кенг кўламли дастур халқ ҳаётининг барча жабҳаларини ўзига қамраб олади. Бироқ бунда энг муҳими, тинчлик ва барқарорлик, бирлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, халқимиз учун муносиб ҳаётий шароитлар яратиш, иқтисодий жиҳатдан ривожланган, замонавий давлат қуришдир. Ушбу борада маълум муваффақиятлар ҳам, айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Зеро, ҳеч бир мамлакат унинг катта-кичиклигидан қатъи назар муаммоларсиз бўлмайди. Бунда энг муҳими, камчиликлардан кўз юммай, уларни босқичма-босқич ҳал этиш керак.

1990 йилнинг август ойидан, ҳали собиқ иттифоқ таркибида эканлигимизданоқ биз ўз суверенитетимиз тўғрисида қайғура бошлагандик. Орадан бир йил ўтгач 1991 йилнинг 27 октябрида Туркманистон ўз мустақиллигига эришди. Шу кундан бошлаб мамлакатимиз бетараф давлат мақомига эришиш сари ҳаракат қила бошлади. Бу йўл силлиқ кечмаган бўлса-да, 185 мамлакатнинг қўллаб-қувватлаши остида ўтган йилнинг декабрь ойида биз ушбу мақомга эга бўлдик.

Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, Туркманистон доимо том маънода байналмилал давлат бўлиб келган. Ҳозир бизнинг республикамизда юзта миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилаётган бўлса, ҳеч қачон бизда миллий масалалар билан боғлиқ муаммолар бўлмаган. Бизда миллатлараро муносабатларнинг ажиб бир уйғунлиги ҳукм сурадики, бу — президентимиз Сапармурот Ниёзов сиёсатининг муҳим йўналишидир. Биз халқларни катта ва кичикка, ирқи ва диний эътиқодига қараб ажратмаймиз. Туркманистонда дўстлик ва оға-инилик доимо шарафланган ва ҳурматга лойиқ деб ҳисобланган, бу миллатимизга хос бўлган асосий хусусиятдир.

Сиёсатда биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик йўлидан борсак, иқтисодиёт соҳасида эса очиқ давлатмиз. Ўз иқтисодий сиёсатини шакллантирар экан, Сапармурот Ниёзов халқ билан маслаҳатлашган ҳолда инқилобий эмас, балки тадрижий ўзгаришлар йўлидан боришга қарор қилди. Бу демакки, биз Туркманистон шароити учун тўғри келмайдиган «Фалаж қилиб даволаш» усулидан воз кечдик. Бунинг бир нечта сабаблари бор, бироқ энг муҳими — биз собиқ иттифоқ таркибида эканлигимизда хом ашё базаси бўлгандик. Мустақиллик эса бизнинг олдимизга худди Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа республикалари сингари келгусида қандай йўлдан бориш керак, деган саволни қўйди. Биз халқимиз ҳаёт даражасига салбий таъсир сезилмайдиган тадрижий ўзгаришлар йўлини танладик. Зеро, халқнинг келажагини ўйлаб ўзгаришлар сари интилсангу, бунинг натижасида халқ жабрланса, бундай ўзгаришларнинг қиймати бир чақага ҳам арзимайди.

Бозор муносабатларига ўтиш, хусусийлаштириш ва ўтиш даврининг бошқа жабҳалари ҳам бизда давлатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилмоқда. Бугунги кунда ҳам, келгусида ҳам биз ҳеч кимга ўхшашга ҳаракат қилмасдан, бошқа иқтисодий моделлардан андоза олмасдан ўз йўлимиздан борамиз. Ва бу борада бизга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг позицияси ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ва қисқа муддат ичида ўзининг ижобий натижаларини бераётган соф ўзбекча модель кўриниши намоён бўлаётган ислоҳотлар жуда ўрнак бўларлидир.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар қандай ривожланаётганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун аваламбор ташқи сиёсат масалалари билан ҳам жиддий шуғулланиш керак. Шу сабабдан биз жаҳондаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда яқин қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни ривожлантирмоқдамиз. Хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро алоқалар бизлар учун доимо ва бундан буён ҳам энг биринчи ўринда бўлиб қолади. Бу фақатгина биз умумий чегарага эга эканлигимиз ҳамда республикамизда кўплаб ўзбеклар яшаши билангина изоҳланмайди. Зеро, бизнинг дўстлигимиз минг йиллик тарихий илдизларга эга. Бу бинодарликка асосланган мустаҳкам, ришталари асло узилмайдиган дўстликдир. Ҳозир Ўзбекистон ва Туркманистон халқларини асло бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бинобарин, диний қарашларимиз, тилимиз, маданиятимиз, анъаналаримизнинг умумийлигини биронта кимса ҳеч



қачон буза олмайди. Мен бир йилдан бери Тошкентда фаолият кўрсатяпман, яқинда Хива сафаридан қайтдим ва ҳеч қачон бу ерда ўзимни бегона мамлакатдагидай ҳис қилмайман. Ўзбекистонда худди ўз уйимдагидек яшаяпман. Бу эса менинг ҳаётимдаги энг катта бойликдир. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг бирорта вакили Туркманистонга борганида ҳам ўзини худди шундай ҳис этади.

Шу йилнинг январь ойида Чоржўйда ўтказилган Президентлар учрашувида ҳамкорликнинг турли хил йўналишлари бўйича 20 дан ортиқ ҳужжатлар имзоланганди. Ҳозирги кунда эса республикаларимиз ўртасида мамлакатларимиз халқлари манфаатлари учун хизмат қиладиган 34 та ҳужжат қабул қилинган.

Ислом Каримовнинг таклифига кўра Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурот Ниёзовнинг мазкур ташрифи давомида икки азалий қардош республика ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг янада кенг истиқболларини очадиган катта ҳужжатлар мажмуининг имзоланиши кутилмоқда.

Светлана ГРИГОРЬЕВА ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга нафақаларни ва аҳолига тўланадиган энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловларни ошириш мақсадида:

1. 1996 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 600 сўм этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига, пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосан 1996 йилнинг 1 декабридан бошлаб амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар 1996 йил 1 декабрдан жорий этиладиган иш ҳақининг энг оз миқдоридан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ва пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда бошқа тўловлар ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Иш ҳақига, пенсияларга қўшимча ва устама ҳақларни ошириш, шунингдек, нафақалар ва бошқа тўловларни кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети, ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 ноябрь.

МАҲСУЛОТЛАР ВА ТАКЛИФЛАР НАМОЙИШИ

Аввал хабар берганимиздек, 16 декабрь куни «Хамар» кўргазмалар залида иккинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси иш бошлайди.

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида туманлар ҳокимликлари, корхона, ташкилот, муассасалар, тадбиркорлар тузилмалари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда ярмаркани уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Анвар Йўлдошев тўпланганларга ярмаркани ўтказишга қурилаётган ҳозирлик тўғрисида ахборот берди. Бу ярмаркада унинг қатнашчилари фақатгина ўзлари ишлаб чиқараётган ва ишлаб чиқаришни режалаштираётган маҳсулотларигина эмас, шунингдек инновация лойиҳалари, моддий-техник ва меҳнат ресурсларини, қўшма корхоналар, қишлоқ жойларида корхона филиалларини ташкил этиш юзасидан таклифларни ҳам намойиш қилишлари мумкин.

Ярмаркага республикамиз вилоятларининг, хорижий фирма, компаниялар ва ваколатхоналарнинг вакиллари таклиф этилган. Ярмарка ишлаб турган пайтда хом ашё, моддий-техника ресурслари, тайёр маҳсулот етказиб бериш, шу билан бир қаторда қўшма корхоналар ташкил этишда ҳамкорлик қилиш юзасидан шартномалар тузиш ва имзолаш кўзда тутилмоқда.

Кенгашда ярмаркани уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Кенгашни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалосни қабул қилди. Теодорос Пангалос Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Греция пойтахтларида консуллик ваколатхоналарини очиш ҳақидаги шартнома ҳамда икки мамлакат ўртасида самолётлар қатновини йўлга қўйиш тўғрисидаги битим имзоланди.

● Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Кеча Олий Мажлис раиси Эркин Халилов Латвия парламенти раиси Андрис Чепанис таклифига мувофиқ икки кунлик ташриф билан Ригага жўнаб кетди.

● Хоразм вилояти деҳқонлари 290 минг тонна «оқ олтин», 102 минг тонна шоли хирмони уйиб бу соҳадаги давлат буюртмаларини бажардилар.

● Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Пармонов Мубарак тумани Қорақум қишлоғида истиқомат қилувчи Қўшвақтовлар оиласига Президент номидан совғалар топширди. Бу оилада бир йўла дунёга келган уч фарзандга Исломжон, Абдуғанижон, Каримжон исмлари қўйилди.

● Тошкентда «Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторини ривожлантириш муаммолари» мавзуидаги уч кунлик семинар бугун ниҳоясига етди.

● Кеча Тошкентда Ўзбекистон, Франция ва Германия ёш мусиқачиларининг учрашуви бошланди. У бир ҳафта давом этади.

● Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси пойтахтдаги қозоқ маданияти марказида дўстлик кечаси ўтказди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● 24 ноябрда Белоруссияда бўлиб ўтган референдум натижалари эълон қилинди. Референдумда иштирок этганларнинг 70,5 фоизи Конституциянинг президент лойиҳасини, 8 фоизга яқини эса парламент лойиҳасини ёқлаб овоз бердилар. Лекин мамлакат Олий Кенгаши референдум натижалари сохталаштирилди, деган даъволар билан чиқяпти. Минскда эса бирданига иккита — парламент ҳамда президент тарафдорлари бўлган депутатлардан иборат парламент ишлаяпти. Мамлакат Конституциявий суди эса президентни Конституцияни бузганликда айблаб тақдим этилган даъвони унга имзо чеккан депутатлар сони қонунда кўзда тутилганлигидан кам бўлганлиги сабабли кўриб чиқмасликка қарор қилди.

● Бугун Чеченистонда 1997 йил 27 январда бўладиган президент ва парламент сайловлари расмий равишда бошланди. Ҳозирча президентликка биргина Зелимхон Яндарбиев номзоди кўрсатилган.

● Москвада Россия билан Қозоғистон ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисида бир қатор ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

● «Жигули»лар ишлаб чиқариладиган АвтоВАЗ устидан банкротлик иши қўзғатилди. Бу автомобиль заводининг қарзи ҳозир 11 триллион рублдан ортган.

● ФИДЕнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов Тула округидан ўз номзодини Давлат думаси депутатлигига қўйди.

● Россияда 1997 йилнинг 31 декабригача 1 АҚШ долларининг қиймати 5750-6350 рубль даражасида бўлиши белгилаб қўйилди.

ХОРИЖДА

● Францияга 4 кунлик ташриф билан келган Россия Бош вазири Виктор Черномирдин чор Россиясининг Францияга қарзини тўлашини маълум қилди. Франция Бош вазири Ален Жупьенинг берган баёнотига кўра бу қарз 400 миллион АҚШ доллари атрофида бўлиб, тўрт йил мобайнида тўланиши керак.

● Югославия маъмурлари маҳаллий ҳокимият идораларига сайловларда мухолифатчилар ғолиб чиққанликлари сабабли сайлов натижаларини бекор қилганликлари муносабати билан Белградда 100 минг нафардан кўпроқ одам иштирокида норозилик намойишлари давом этяпти.

● Украина Президенти Леонид Кучма Исроилга ташрифини ниҳоясига етказиб, бугун Туркияга келади.

● Нью-Йоркда БМТ Бош котиби номзоди ёпиқ эшиклар ортида муҳокама этиляпти. Африка мамлакатлари бу лавозимга ҳозирги Бош котиб Бутрос Голий билан бирга яна бир неча сиёсий арбоблар номзодларини ҳам кўрсатдилар.

МАРОҚЛИ КЕЧА

Шаҳримиздаги «Турон» илмий-универсал кутубхонаси ўқув залида Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Эркин Воҳидов ижодига бағишланган пойтахт олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари иштирокида ижодий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ў. Ҳошимов, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Й. Сулаймон, адабиётшунос олимлардан профессорлар О. Шарафиддинов, Н. Каримов, У. Норматов, Б. Қосимов ва бошқалар XX асрда ўзбек адабиётининг ривожланиш қонуниятлари, унда шоир яратган асарларнинг тутган ўрни ва улар марказидаги инсон ва унинг фалсафаси, ўзликни англаш ва миллий ғурур, ижтимоий ҳаётдаги позицияси, инсон ва ҳаётга чексиз муҳаббат, жаҳон маданияти дурдоналарини ўзбек тилига таржимаси, адиб асарларида маънавиятимиз ривожининг босқичлари ва қирраларининг акс этиши ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Кечада Р. Иноғомов, А. Самад, Ҳ. Муҳаммадҳўжаев ва бошқалар шоирнинг талабалик ва кейинги йилларига оид хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Хусан ҲОЖИЕВ.

«Малика» акционерлик жамиятида меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи бугунги кунда янада самарали ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Бу борада айниқса асосий модель цехи бичувчиларининг ҳиссаси каттадир. СУРАТДА: бичувчилар Ақида Салимова ва Назокат Саидқосимовалар моделдаги ишни бичишмоқда.

Рустам Шарипов олган сурат.

Кўргазмалар

«КОМПЬЮТЕРЛАР ВА КОММУНИКАЦИЯЛАР—96»

Кеча шаҳримиздаги «Ёшлик» спорт аренасида Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси, «Ёшлар тадқиқотлари маркази» инновация фирмаси, «Компьютер — Осиё» илмий техник парки томонидан ташкил қилинган «Компьютерлар ва коммуникациялар» анъанавий 4-технологиялар миллий кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмада «Ёшлар тадқиқотлари маркази» инновация фирмаси, «Турон», «Қанот-Сервис», «Коском», «КОМЭК—Телеком», «Скунер Трейдинг Тошкент», «Тельда—Тош» ва бошқа ҳаммаси бўлиб 15 та фирма, фирмаларнинг компьютер техникаси ва ташқи қурилмалар, ахборот тизимлари ва тармоқлари, дастур таъминоти, маълумотлар базаси, компьютер графикаси, мультимедиа ва рақамли видео тизимлар алоқа тизимлари, шу жумладан, телефон станциялари, уяли ва пейджингли алоқа, нусхалаш ва матбаачилик ускуналари намойиш қилинмоқда. Булар орасида «Қанот — Сервис» фирмаси ҳамма кўргазмаларда қатнашиб келаётган бўлса, «Тельда-Тош» фирмаси эса биринчи марта иштирок этмоқда.

Кўргазмалар орасида компьютерга жойлаштирилган Марказий Осиёда биринчи марта яратилган «Амир Темур: шахсияти, давлати, ренессанс» номли ўзбек, инглиз, рус тилларида қисқача тарихий-публицистик очерклар тўпламидан иборат мультимедиа—қобусномаси Сохибқироннинг 660 йиллиги нишонланган шу кунларда турли фан вакиллари томонидан катта меҳнатлар эвазига вужудга келган.

Ҳаммаси бўлиб саккизинчи марта ташкил қилинаётган кўргазмаларнинг бош ташкилотчиси бўлган «Ёшлар тадқиқотлари маркази» инновация фирмасининг бош директори, «Компьютер — Осиё» илмий-техник парки бошқаруви раиси Алексей Валентинович Аробов биз билан суҳбатда шундай деди:

— 1993 йил кузидан фирмамиз Тошкент шаҳридаги Киночилар уйида ўтказилган халқаро компьютерлар кўргазмасидан бошлаб ҳозиргача ўтаётган турли йўналишдаги миллий технологик кўргазмаларнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Уч йил ичида ташкил қилган кўргазмаларимизда 63 та хорижий ва миллий технология фирмалари қатнашди. Келгуси 1997 йили «Зарафшон — водий — тадбиркор—97», «Офис ва банк — ҳамма нарса бизнес учун», «Компьютерлар ва коммуникациялар» мавзуида кўргазмалар ўтказишни режалаштирганмиз.

Кўргазмага қатнашиб, ўз фаолиятларини кенгайтираётган фирмалар ичида «Қанот — Сервис» кўзга ташланади. Унинг бош директори А. Р. Ҳошимовнинг айтишича, уларнинг мижозларига тақдим этаётган нусха кўчириш, фотоаппаратлардан тортиб компьютерларгача бўлган маҳсулотлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Фирмамизнинг асосий мақсади дунё бозоридан янги технологияларни топиб, мижозларимизнинг эҳтиёжларини қондиришдир, — дейди у.

Мазкур кўргазма анъанавий «Буюк ипак йўли» анъаналарини ҳозирги замон ахборот технологиялари орқали тиклаш шиори остида ўтмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Обуна — 97

«Оқшом»га езилишмоқда

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланишида турли хил янги нашрларнинг ҳам кўпайиб бориши кузатилмоқда. Қувонарли томони шундаки, бунга қарамасдан «Оқшом» газеталари пойтахтдаги севимли ва ўқимишли оммавий ахборот нашрлари қаторидадир.

— Албатта, маънавият, маърифатга интилган одам ютқазмайди, — деди биз билан суҳбатда Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Қурбонов. — 1997 йилга газета ва журналларга обуна мавсуми айни қизиган пайтда биз ҳам бундай ишлардан четда эмасмиз. Менимча, ҳозирги иқтисодий шароитларда обуна борасида йирик корхона ва ташкилотларнинг ўз ишчи-хизматчиларига кўмак бериши энг мақбул йўллардан биридир. Туманимизда бундай ишлар кенг йўлга қўйилган. Шаҳримиз ҳаётининг ойнаси бўлмиш «Оқшом» газеталари эса бизнинг алоҳида диққат-эътиборимизда. Чунончи, «Ўртоқ» қандолат корхонаси ўзининг кам таъминланган, фахрий ва илғор ишчиларидан 60 нафарини газета ва журналларга, жумладан «Оқшом» газеталарига бепул обуна қилди. «Алоқаинвест» корхонасининг ўзида 30 дан ортиқ ишчи-ходим «Оқшом» газеталарига бепул ёздирилди. Юнусобод даҳасида жойлашган «Ширин кулча» жамоа хўжалиги эса ўзининг 40 нафар ишчисининг барини «Оқшом» газеталарига обуна қилмоқда. «Ўзбекқишлоқмаш», «Технолог» очиқ турдош акциядорлик жамиятлари, «Ўртаосиёэнерготаъмир» ишлаб чиқариш корхонаси, молия институти, «Юнусободсавдо» ва «Юнусободтаом» акциядорлик жамиятларини ҳам ана шундай имкониятлардан ўринли фойдаланаётган, обунада фаол ташкилотлар қаторига қўшиш мумкин.

Бундан ташқари ҳокимлик ташаббуси билан «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг туман бўлими ҳамда Мирзо Улуғбек туманлараро алоқа тармоғи билан ҳамкорликда энг яхши жамоатчи матбуот тарқатувчисини аниқлаш учун махсус танлов эълон қилганмиз. Танлов натижаларига кўра обунани аъло даражада ташкил қилган бундай куюнчак матбуот тарқатувчи қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Дилшод ИСМОИЛ ёзиб олди.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Тошкент оқшоми»га обуна нархларини яна бир бор эслатамиз.

УЙ МАНЗИЛИГА

● Бир ойга — 99 сўм
● Уч ойга — 297 сўм
● Олти ойга — 594 сўм
● Бир йилга — 1188 сўм

АБОНЕНТ ҚУТИСИГА

● Бир ойга — 79 сўм
● Уч ойга — 237 сўм
● Олти ойга — 474 сўм
● Бир йилга — 948 сўм

ИНДЕКС — 64690

«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Спорт

«БАЙНАЛМИЛАЛ» ШАРАФЛАНДИ

Спорт ишқибозлари ногиронлар футболи бўйича Ўзбекистон довруғини оламга ёйган, жаҳон кубогининг соҳиби бўлган «Матонат» клубининг муваффақиятларини яхши эслашади. Ушбу клуб негизида ташкил топган шаҳримизнинг «Байналмилал» жамоаси «Матонат»нинг ажойиб анъаналарини муносиб давом эттирмоқда.

Ҳозир «Байналмилал» ногиронлар ўртасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионатида муваффақиятли тўп сурмоқда. Жумладан, яқинда байналмилалчилар Россия очиқ чемпионатида иштирок этиб етти ғалаба ва бир дуранг натижа билан ғолиб жамоа сифатида бош соврин-махсус кубокнинг соҳиби бўлдилар.

Куни кеча Олимпия шон-шуҳрати музейида «Байналмилал» ногиронлар футбол клубини мавсум якунлари бўйича тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б. Маҳситов, Ўзбекистон футбол федерациясининг масъул ходими А. Имомхўжаевлар матонатли чарм тўп усталарини чин кўнгилдан кутлаб, уларга қимматбаҳо совғалар топширишди. «Байналмилал» қўлга киритган ўз кубогини эса Олимпия шон-шуҳрати музейига тақдим қилди. Энди кубок музей экспонатлари қаторидан доимий ўрин олади.

Дамир ИСЛОМОВ.

КУЛОЛЧИЛИКНИНГ САРА НАМУНАЛАРИ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси «Хамар» халқаро алоқалар маркази кўргазмалар залида Республика маданият ишлари вазирлиги, Ҳамза номли санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, П. Беньков номидаги Республика бадиий билим юрти, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси томонидан ташкил қилинган «Ўзбекистон Амир Темур Ватани» шиори остида ўтказилган халқаро кулолчилик симпозиуми қатнашчилари асарлари кўргазмаси очилди.

Кулолчилик санъатининг ноанъанавий йўналишдаги бундай халқаро симпозиуми Тошкентда шу йилнинг ўзида иккинчи марта чақирилишидир. Бу ерга ташриф буюрганлар Райҳон Шоабдурасулова (Ўзбекистон)нинг «Шарқ абадияти», Ота Отаев (Туркистон)нинг «Оқ туя», Таха Юссуф Таха (Миср)нинг «Ўзбекистон уйғонмоқда»., Сио Бьюнг Хо (Жанубий Корея)нинг «Амир Темур хотираси», Ражаб Янгибоев (Ўзбекистон)нинг «Рубоб» ва бошқа бир қатор мамлакатлардан келган ва ўзбекистонлик ижодкорларнинг 30 га яқин асарлари билан танишишлари мумкин. П. Беньков номидаги Республика бадиий билим юртининг муаллим ва бир гуруҳ талабалари асарларининг кўргазмага қўйилиши ҳам эътиборга лойиқдир.

Кўргазмага қўйилган асарларда ҳар хил шаклларда асрлар давомида ўз изини қолдирган моддий ва маънавий маданиятимиз анъаналари, ҳозирги даврда жамиятимиз маънавий ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар ижодкор кулоллар фалсафий тафаккури ва санъат даражасидаги қарашлари орқали ифода этилган. Бу гўзалликка ҳамоҳанг бўлган тадбирда қатнашувчиларнинг таркиби, санъатшуносларнинг ва мухлисларнинг кўргазма атрофидаги эҳтиросли суҳбат ва мулоқотлари ушбу кўргазманинг «Ўзбекистон Амир Темур Ватани» шиори остида ўтаётганлигида маълум бир фалсафа, мантиқ борлигини кўрсатади.

— Симпозиум қатнашчилари, — дейди Ҳамза номли санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, симпозиум бош директори, профессор Акбаржон Ҳакимов, — бу ерда муҳит ва бошқа имкониятларни ҳисобга олишиб Тошкент шаҳрида жаҳон керамикаси музейини ташкил қилиш таклифи билан чиқдилар.

Ижодкорлар келгуси йили Тошкентда бўладиган ноанъанавий кулолчилик санъатига бағишланган симпозиумни «Ғарб ва Шарқ маданият мулоқоти» мавзусига бағишлашга қарор қилдилар.

Ҳасан ДОВУДБЕКОВ.

«ОШКОРА МУЛОҚОТ»ГА МАРҲАМАТ!

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг таҳририяти оқшомхонлардан келаётган кўпдан-кўп илтимосларни инобатга олиб ва ўзининг яхши анъаналарига содиқ қолиб, шаҳар хизматлари раҳбарлари иштирокида шу куннинг долзарб масалалари, газетхонларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган саволларга жавоб қайтариш мақсадида шаҳар хизматлари раҳбарлари иштирокида «Ошкора мулоқот»ни яна қайтадан тиклашга қарор қилди.

Ана шундай «Ошкора мулоқот»лардан дастлабкиси шу йил 13 декабрь куни соат 16 дан то соат 19 га қадар шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси ва туманлар ижтимоий таъминот бўлимларининг раҳбарлари иштирокида ўтказишни таҳририят режалаштирган.

Кўрсатиб ўтилган вақт ичида пенсиялар, нафақалар ёки имтиёзлар билан боғлиқ бўлган барча масалаларни қамраб олишнинг албатта иложи йўқ. Ана шу боисдан оқшомхонлар ўз саволларини таҳририятга (Матбуотчилар кўчаси, 32-уй) «Ошкора мулоқот»га деган белгини қўйиб жўнатишлари ёки олдиндан ўз саволларини якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14 дан то соат 17 гача 33-29-55, 36-58-85 рақамли телефонлар орқали беришлари мумкин. Муштарийларнинг саволларига жавоблар «Оқшом» газеталари саҳифаларида эълон қилинади.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 60

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Кейинги йилларда шаҳримизнинг қиёфаси кўз ўнгимизда ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Кўчалар, маҳаллалар, даҳаларнинг ободончилигига катта аҳамият берилмоқда. Кўплаб миқдорда мевали, манзарали дарахтлар экилмоқда.

Шаҳримизнинг янада кўкаламзорлаштириш, қайта таъмир жараёнида пайҳон бўлган яшил майсазорларнинг ўрнига янгисини барпо этиш мақсадида ҳар йили куз ва баҳор ойларида кўчат экиш ойлиги ўтказилади. Бу ишда барча муассасалар, ташкилотлар, идоралар, корхоналар бир ёқадан бош чиқариб қатнашадилар.

Шу йилнинг кузи, 1996 йилнинг баҳорида Тошкент шаҳри бўйича 226.200 туп ниҳол экилди. Шунингдек, 69.200 терак қаламчалари ўтқазилди. Шулардан теракларнинг 96 фоизи, бошқа дарахт ниҳолларининг 82 фоизи тутиб кетди.

Кўчат экиш бобида Шайхонтоҳур, Сергели, Миробод туманлари савобли ишлар қилишди. Лекин Ёшлик майдонига бор-йўғи 464 туп дарахт экилди. Уларнинг ҳам деярли ярми қуриб қолди. Нега бунақа бўлди деб сўраганимизда марказий майдон ва боғларни ободонлаштириш махсус бошқармаси мутасаддилари дарахтларни парвариш қилишга маблағ йўқлиги, сув ташувчи машиналарнинг етишмаслигини баҳона қилдилар. Назаримизда асосий сабаб — янги экилган ниҳолларга эътибор бермаслик, кўчат экиш режасини бажардик, «иш битди» қабилида йўл тутишда бўлса керак. Биргина мисол: 1995 йил баҳорида ажойиб иш бошланди: Украинадан арғувон дарахтлари келтирилди. Уни экишда махсус бошқарма билан бир қаторда суғориш трести ҳам қатнашди. Лекин ўтган йил ҳам, бу йил ҳам экилган арғувон ниҳолларининг тақдири ҳақида биров лом-мим демайди.

Ният билан кўчат экинг

БОҒНИ БОҚСАНГ БОҒ БЎЛУР

Айрим туманларда кўчатларнинг яшовчанлиги юқори бўлса ҳам, ниҳоллар кам сонда экилганини кўрамиз. Ҳамза туманида минг тупга етар-етмас дарахт экилган бўлса, Чилонзор туманида 500 тупгина ўтқазилган.

Агар дилда ният бўлса, ҳар бир юмушни ўринлатиб бажарсак бўлади. Буни Акмал Икромов, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманлари мисолида кўришимиз мумкин.

Дарахтлар — бизнинг энг содиқ дўстларимиз, ҳаётимиз йўлдошидир. Албатта ҳар соҳада бўлганидек дарахтларни парвариш қилиш борасида ҳам баҳонаи сабабларни қалаштириб юборишимиз мумкин. Маблағ йўқ, ишчи кучи етишмайди, ҳатто тупроқнинг нобоплигини ҳам рўкач қилиш мумкин. Лекин ҳар қанча баҳона ахтармайлик, ўзимизни қанча кўп важ-карсонлар панасига олмайлик, улар бизнинг бекорчилик, лоқайдлигимизни яшираолмайди. Шаҳримизнинг кўкаламзорга айланиши — барчамизнинг эзгу юмушимиз бўлмоғи керак. Буни чин юракдан эътироф этадиган раҳбарлар йўқ эмас, албатта. «Асбобсоз» ва «Компрессор» заводлари ҳамда ободончилик бошқармалари биргаликда етарли маблағ ҳам, ишчи кучи ҳам, имконият ҳам топа олдилар. Натижада экилган кўчатларнинг деярли ҳаммаси тутиб, барг ёзди.

Яна бир ҳолат бизни ажаблантиради: кўплаб гул, бута, мевали ва манзарали дарахтлар экиш бобида энг «яшил» туманларимиз олдинда боришмоқда. Бу Акмал Икромов, Юнусобод, Чилонзор туманларидир. Ушбу туманлар раҳбарлари, ободончилик бошқармалари ходимлари, даҳа, маҳалла, кўчаларнинг яшилликка бурканиши бировнинг истак-хоҳиши эмас, балки ҳаётимиздаги энг катта зарурият эканини англаб етаяптилар.

Шаҳримиз ям-яшил бўлса қандай яхши! Уларни кўпайтириш, асраб-авайлаш, парваришлаш эса виждоний бурчимиздир.

Бу йил кузда ниҳоллар экилди, келгуси йил баҳорда ҳам кўчат экиш ойликлари ўтказамиз. Лекин бир нарсани унутмайлик: «Боғни боқсанг боғ бўлур» дейди халқимиз. Шу халқнинг фарзанди эканлигимиз ҳамиша ёдимизда турсин.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими.
Толиб САЪДУЛЛАЕВ.

«Тоза ҳаво» тадбири

ЯЙРАБ НАФАС ОЛАЙЛИК

Инсон тўрт унсур сув, ҳаво, қуёш, ер билан тирик. Одамзотнинг саломатлигию, баркамоллиги шу тўрт унсурнинг тозалигига, мусаффолигига боғлиқ. Ҳаво қанчалар тоза бўлса, шунчалар яйраб нафас оламиз. Кайфиятимиз ҳам, соғлиғимиз ҳам шунга яраша бўлади. Айни ҳавонинг тозалигига бағишлаб Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармаси билан ҳамкорликда бу йил баҳорда ва кузда 10 сентябрдан 10 октябргача «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказдик.

Тадбир давомида 209 автокорхоналар, 32 ёнилғи қуйиш тармоқлари, 10 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш нуқталари ҳамда 2 та автомобиль таъмирлаш заводлари назоратдан ўтказилди. Ҳаракат серқатнов бўлган катта ва кичик йўлларда 19030 та автомашина текшириб кўрилди.

Оқибати қандай бўлди дерсиз? 479 автомобиллардан чиқаётган тутунларда зарарли, зарарли моддалар жуда ортиғи билан эканлиги маълум бўлди. 1150 автомашиналарнинг тутунларига чидаш мушкул бўлиб қолди. 4799 та баённома тузилди. 1112 ҳайдовчи номига умумий 71981 сўм жарима учун баённомалар тўлғазилди. 221 ҳолатда раҳбарларнинг лоқайдлиги, ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлиши қайд этилди. Бу совуққонлик уларга анчагина қимматга тушди:

176957 сўм жарима тўлайдиган бўлишди. Йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш мақсадида 370 та йўриқнома берилди.

Текширув жараёнида шу нарса аён бўлдики кўплаб автокорхоналарда атмосферага чиқарилган газлардаги заҳарли ва зарарли моддалар миқдори ўлчанмас, автомобилларнинг ёқилғи тизимидаги носозликлар ўз вақтида бартараф этилмас экан. Масалан ТЭА - автосаройидаги автомобилларнинг 37 фоизи шу ҳолида йўлга чиқарилади. Бундай ҳолни «Кабельтранс» ҳиссадорлик жамияти (21 фоиз); Аэропорт автобазаси (19 фоиз); 10-автомобиль таъмирлаш заводи (20 фоиз); «Интранс» ҳиссадорлик жамияти (16 фоиз); «Ўзавтосайёҳ» (15 фоиз); «Ўзгўштсутмахсусавтотранс» (15 фоиз); «Ўзсувқурилиштранс» (12 фоиз); «Ўзмелсувтранс» (11 фоиз)нинг автомобилларида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу ташкилотларнинг автомобиллари чиқарган тутун газларда углерод аралашмаси меъёридан бир неча марта юқорилиги қайд этилди.

Худди шундай аҳволни «Махсусавто» ҳиссадорлик жамияти, «Механизатор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти. «Мебельтранс» ҳиссадорлик жамиятида ҳам кўрдик. Бу ташкилотларда табиий муҳофаза қилиш тадбирлари режаси қўмитамиз билан келишмаган ҳам.

«Тошқурилиштранс»нинг 1-автокорхонасида, 2505-автокомбинатда, 10-автомобиль таъмирлаш заводида ҳосил бўладиган чиқиндиларни меъёрлаштириш ишлари ўтказилмаган. Кўпгина корхоналарда сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатномалар расмийлаштирилмаган. Газанализаторлар, тутун ўлчагичлар давлат назоратидан ўтмаган. 3321-автокомбинат, «Тошқурилиштранс»нинг 1-автокорхонаси, «Мебельтранс» ҳиссадорлик жамияти, 7-автокорхона раҳбарларининг бу каби лоқайдликлари кечирилмас бир ҳолдир.

Текширишда бironта автокорхона, ёнилғи қуйиш тармоғида ишланган газлардаги углеводородларнинг миқдорини аниқловчи газанализаторлар йўқлиги маълум бўлди. Автомобилларни бўяш ишлари табиат муҳофазаси қонунларига зид равишда олиб борилади.

Кўпгина корхоналарнинг (уларнинг кўпчилигини юқорида тилга олиб ўтдик) ёнилғи қуйиш тармоқлари, автомобиль ювиш жойи, мой алмаштириш нуқтаси қурилишлари лойиҳалари қўмитамизнинг экологик эскпертиза бўлимидан ўтказилмаган.

Текширишда аниқланган камчиликларни тугатиш борасида тегишли йўриқномалар берилди ва қатъий назоратимиз остига олинди.

«Тоза ҳаво — танга даво» дейишади. Шундай экан шаҳримиз ҳавоси чинакамига танга даво бўлсин! Шунинг учун курашайлик!

Шавкат ЭРГАШЕВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари.

Сўлим гўшалар

ТАХТАПУЛДАГИ ОРОМГОҲ



1948 йил эди. Тахтапулдаги Уста Олим кўчаси бошланадиган жойда 8 гектарча келадиган яланглик бор эди. Айнан шу ерда боғ қилиш учун ишлар бошланди. Дастлаб гуллар, мевали дарахт ниҳоллари экилди. Сўнгра манзарали дарахтлар, буталар саф торта бошлади. Сал кунда кўзга ташланиб қолган хиёбон ўша даврдаги Пушкин (ҳозир Абдулла Қодирий) номли боғнинг бир бўлаги сифатида бунёд этилди.1968 йилда боғда турли аттракционлар ташкил этилди. Чойхона қурилди. Тўқиш, тикиш-бичиш тўгараклари иш олиб бора бошлади. Устахоналар ўз эшикларини аҳолига очди. 1991 йилда эса ажойиб ўзбек шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг 130 йиллиги муносабати билан Фурқат боғи деб юритила бошланди. Йиллар ўтган сари боғ ободонлашгандан ободонлашаверди. Унинг теваракатрофи темир тўсиқлар билан ўралди. Асосий боққа кириш йўлаги, шинамгина дарвоза — арк қурилди. Шоир Фурқатнинг ёдгорлиги ўрнатилди. Унинг атрофи гулзор қилинди. Ушбу боғ асосан «Янги ҳаёт» маҳалласининг дам олиш маскани ҳисобланади. Чиндан ҳам соя-салқин боғ қўйнида, шовуллаб оқиб турган анҳор соҳилида дам олганга нима етсин. Айниқса, «Оталар чойхонаси» ҳамиша гавжум бўлади. Бу ерда оилавий тантаналар, ижодий учрашувлар, турли мавзулардаги кўргазмалар мунтазам ўтказилиб турилади. Болаларнинг шодон қийқириқлари бир дам бўлсин тинмайди. Боғда 26 турдаги яшил олам вакиллари яшнаб турибди. Кўм-кўк бўлиб турган «яшил девор» боққа алоҳида файз бағишлайди. Каналнинг яқинлиги эса боғни суғориш ишларида жуда ҳам қўл келади. Бу ердаги гуллар, буталар доимо алмаштирилиб мунтазам парвариш қилиб борилади. Мабодо йўлингиз тушса, Фурқат номли боққа албатта кириб ўтинг. Оқсоқоллар қўлидан бир пиёла кўк чой ичсангиз бир олам ҳордиқ оласиз, бир лаҳзагина бўлса ҳам боғнинг кузги манзараларидан кўзингиз қувнайди.

Ким ФАТТОҲОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг назоратчиси.

Кўпнинг кенгашига

ТАРБИЯ — БОЛАЛИКДАН

Шундай бир нақл бор. Одам илк марта Она ер узра қадам ташлаб юришни ўрганганда дастлабки қилган иши чамандай очилиб турган гулни юлиш бўлган экан. Бу гулни яхши кўрганиданми ёки қизғанганиданми — бизга қоронғу. Шунинг учун бўлса керак, одамзоднинг қонида ўзи билиб-билмасдан гўзалликни топташ одати бор. Ҳар баҳорда тўдатўда бўлиб лола сайлига борамиз. Табиат гўзалликларидан баҳраманд бўламиз. Юрагимиз бир олам қувончга тўлади. Ана шунда болажонларимиз алвондек лолаларни юлиб келса, нега юлдинг демаймиз. Ўзимиз ҳам уларга қўшилишиб лола терамиз. Кўчоғимиздаги лолалар то манзилимизга — шаҳарга етиб келгунича сўлийди. Сал меҳрибонроғимиз уни сувли гулдонларга солиб қўямиз. Шу тариқа лоланинг умри жиндаккина чўзилади. Ёки ям-яшил майсазорлар устида тўп ўйнаётган болаларни кўрсак уларга танбеҳ бермаймиз. Орадан бирмунча фурсат ўтиб ўша ердаги майсазор қурийди. Бир дона гиёҳ ўстириш машаққатини эса ўзингиз яхши биласиз.

Сир эмаски, юртимизда қишлоқ қоладиган паррандалар жуда кўп. Уларни ҳар куни кўрганимиз етмаганидек қафасларга ҳам солиб қўямиз. Сайроқи қушларнику аҳволини қўяверинг. Саъва, канарейкалар торгина қафасда нола чекса қувонамиз. Энди бир савол туғилади. Лола ҳам, майсазор ҳам, синдирилган дарахтлар, ниҳоллар ҳам, қушлар ҳам табиат фарзандику! Уларни бунчалар «яхши» кўришимиз шартмиди?! Лолаларни юлмасак, ўша ерлар сал кунда лолазор бўлиб кетардику! Ҳозир бир дона лола топиш маҳол бўлиб қолди. Қушларни қафасларга қамамасак ҳам сайрайдику, биз эшитамизку! Уларни ўз онасидан-табиатдан ажратишимиз золимлик, бағритошлик эмасми? Худди шундай. Ҳозирги кунда экологик вазият борган сари танглашиб кетяпти, деймиз. Лекин сабабини ўйламаймиз. Табиатни асраш қонун-қоидаларини бузганларига жарималар соламиз, йўл-йўриқлар кўрсатамиз. Табиатни асраш керак деб уқтирамиз. Она табиат келажак авлод учун омон қолсин деймиз. Лекин келажак авлодни, яъни фарзандаримизни экологик таълимдан баҳраманд қилишни деярли ўйламаймиз.

Экологик таълим — бу олма, бу шафтоли, бу чинор, бу атиргул деб ўргатиш эмас. Экологик таълим инсон табиатнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини болаларнинг юрагига қуйишдир. Экологик таълим бизнинг — катталарнинг сўзи билан иши бир бўлишидир. Ўқувчилик йилларимни эслайман. «Жонли табиат» деган дарс ўтилар эди. Ўқитувчимиз раҳматлик Фаттоҳ қори ака бизга табиат ҳақида шунчалар эҳтирос билан дарс ўтардики, эртасига ҳатто довдарахтларга қўл теккизишга ҳам андиша қилардик. Шу дарс сабаб Миришкор боғбон бўлиб хизмат қилган, эл-юртнинг дуосини олган синфдошларимни миннатдорлик билан эслайман. Ўшанда ўқитувчимиз бизга экологик таълим бераётганини билмаган бўлса ҳам керак. У фақатгина табиат билан инсон ажралмас эканлигини ўргатган эди. Ҳар бир қимирлаган жонзотга раҳм-шафқатли, меҳрибон бўлишга даъват қилган эди. Ҳозир шаҳримиздаги 305, 205-каби айрим мактабларда экологик таълим олиб борилмоқда. Лекин унинг натижалари, самаралари ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас. Ушбу таълимни тамомила тубдан яхшилаш пайти етмадимикин? Махсус дарсликлар яратилса фойдали бўлармикин!

Экологик таълимнинг самара бериши учун дастлаб болаларнинг табиат фарзандлари эканлигини уларга яхши тушунтиришимиз керак. Ушбу дарслар хўжакўрсинга эмас, ҳаётий зарурат сифатида олиб борилса кўзланган мақсадга тезроқ етган бўлармидик. Ҳар бир кишининг юраги бир олам деймиз. Бу оламда табиатга бўлган муҳаббатни жўш урдиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ғолиб МИРЗО.

Мутахассис фикрича

САДОҚАТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ

Барчага маълумки, бир туп дарахт бир кеча-кундуз давомида уч киши нафас олиши учун зарур бўлган кислородни етказиб беради. Мана шунинг учун ҳам биз дарахт экишга, уни парвариш қилишга катта эътибор қаратамиз. Аммо шаҳримиздаги тубдан қайта қурилаётган, янгидан бунёд этилаётган турар жой даҳалари, ажойиб бинолар ўрнидаги дарахтлар кесилмоқда. Улар орасида чинор, эман, дуб сингари ноёб дарахтлар ҳам учраб қолади. Бундай дарахтларни ўстириш ниҳоятда сермашаққат. Уларга алоҳида парвариш зарур.

Қурилишсиз яшаб бўлмайди, албатта. Лекин яшил оламсиз ҳам нафас олишимиз мушкул. Шунинг учун нима қилишимиз керак? Ягона йўл — имкони борича чинор, эман, терак, арғувон, игна барглари дарахтларни кўплаб экиш керак. Улар тез тутиб кетади.

Озон қатлами ҳақида кўп марта эшитгансиз. У кислород мавжудлиги туфайли ҳосил бўлади. Кислородни эса асосан яшил дўстларимиз ишлаб чиқаради. Озон қатлами бизни қуёшнинг ультрабинафша нурларидан сақлайди. Яшил довдарахтларни кўп экишимизга сабаб ҳам мана шунда.

Ҳаво ҳақида гапирар эканмиз, сувнинг тозалигини ҳам унутмаслигимиз керак. Кўчаларда, ариқ бўйларида болачақалар машина ювиб турганига ҳар лаҳза гувоҳ бўламиз. Оқава сув, албатта, тоза бўлмайди. У суғориш каналларига тушади, тупроқни ифлослантиради. Ифлос сувдан озиқланган дарахтлар кўнгилдагидек ўсиб, барг ёзмайди. Шу ўринда бир ҳолга диққатингизни қаратмоқчиман. Европадаги энг катта шаҳарларда ҳам машиналар кўчаларда ювилади. Сув эса қатъий технология асосида айланма тизимдан фойдаланиб сарфланади. Ичимлик сув зинҳор-базинҳор ишлатилмайди. Заҳарли ва заҳарли моддалар махсус чуқурларга тўпланади. Биз ҳам ана шунга эътибор берсак фойдадан холи бўлмасди.

Куз пайтида шаҳримизни япроқлар тўзони босиб кетади. У ер-бу ерларда тўдатўда ёнаётган хазонларни кўриб хафа бўлиб кетасан киши. Ахир бу бориб турган зиён-ку.

Азиз ҳамшаҳарларимизга эслатиб ўтмоқчимиз. Дарахтлар бизга йилнинг тўрт фаслида керак. Уларни ардоқлаш, худди фарзандимиздек парваришлашимиз зарур. Бизнинг меҳрибончилигимизга яшил дўстларимиз ўн карра садоқат билан жавоб қайтаради.

Фотиҳ КИМСАНОВ.

Шеърий лаҳзалар

ЕРГА ТУШГАН ЯПРОҚ

Баландда қолибман бир ўзим якка.
Ўйлабман ғурурла, танҳоман танҳо.
Ҳатто чақирмадим дўстни кўмакка.
Бировга муҳтож бўлмайман асло.

Ерга тушган барглар устидан кулиб,
Ҳолинг шу экан деб мазах айладим.
Новданинг учини энг зўр жой билиб,
Қойил дейишларин қаранг, пойладим.

Пайимга тушдилар шамоллар, қаранг,
Титратиб жисмимни эздилар ғув-ғув.
Новдада илиниб турардим аранг,
Юрагимга тушди охири ғулув.

Узилдим, она Ер бағрини очди,
Титроқ вужудимга бағишлаб ором.
Қўрқувларим буткул нарига қочди,
Ердаги сукунат банд этди тамом.

Шивирлар она Ер: ухла, эй болам.
Учма шамолларнинг оҳу войига.
Яна келганида гул сочиб кўклам,
Қайта чиқажаксан яна жойингга.

ИҚРОР

Бўлмаса қуёш замину
замон яшай олмас,
Курраи олам йўқ эса
инсон яшай олмас.
Ҳар кимга табиат улашган
бир нону насиба,
Сув йўқ эса дарё, ойсиз
осмон яшай олмас.
Ўз ўрнини олди жаҳонда
яхши-ю ёмонлик,
Йўқ эса дўзах жаннатда
шайтон яшай олмас.
Қай дилни ишқ этса макон,
бул олам мунаввар,
Барқ урса гулу ниҳол, билки
армон яшай олмас.
Инсон эрурсан, яшагил
олий ҳавас бирла,
Йўқ эрса диёнат ерда
тирик жон яшай олмас.
Яшна ҳар маҳал гул каби,
эй юртим мунаввар,
Темуринг, бил сендан айру
бир он яшай олмас.
Темур УБАЙДУЛЛО.

Табиатда ажойиб паррандалар жуда ҳам кўп. Уларнинг орасида деярли кўпчилик ҳамшаҳарларимизнинг хонадонида бор бўлган тўти-қушларни ҳамма бирдек ёқтиради. Айтган гапингизни такрорлайдиган бу қушлар ўз хатти-ҳаракати билан кишида завқ уйғотади.

* * *

Кечагина гавжум бўлган боғлар бугун сукутда. Кечагина шовуллаб турган фавворалар бугун жим. Хиёбонга кеч кузакнинг тилло тангалари — япроқлар сочилган. Шундай бўлса ҳам бу ерда бўлган киши барибир қандайдир илиқ тароват сезади. Бу эрта-индин келадиган баҳор дарагидир.

Қирқ йилча муқаддам талабалик давримиз эди. Ўша пайтда гуруҳимиз орасида қорачадан келган, андижон шевасида мулойимлик билан сўзлашадиган бир курсдошимиз эътиборимизни тортарди. Унинг кенг мушоҳада юритиши, саволлари билан домлаларимизни ҳам эсанкиратиб қўйиши бизни лол қолдирарди. Зеҳни ўткир ўша дўстимиз Абдуғаффор Набиев ҳозирда етук ўлкашунос, тарих фанлари доктори, профессор.

Жонкуярларимиз

ЎЛКАМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИБ

Табиатни севиш, ардоқлаш Абдуғаффор Набиевнинг ҳаёти мазмунини ташкил қилади. Уни ўлкамиз тарихи, тоғу тошлари, ўсимликлар дунёси, она ерни ишлаш, суғориш жуда ҳам қизиқтиради. Айнан шунинг учун ҳам илмга ошуфта бўлган муаллимни атоқли археолог олим, академик Яҳё Ғуломов аспирантурага тавсия қилади. Изланувчан йигит кўпгина тарихий китобларни ўқийди, машҳур олимларнинг илмий қарашларини ўрганади, янги-янги манбалар излаб топади. Кўп ўтмай 1970 йилда «Тошкент воҳаси суғорилиш тарихи» (энг қадимги даврдан 1945 йилгача) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқни қўлга киритди.Ёш олим Низомий номли педагогика институтида тарих ўқитиш методикаси, қадимги дунё, ўрта асрлар, ўлкашунослик ҳамда Ўзбекистон тарихи кафедраларида ўқитувчи, кафедра мудирининг ўринбосари, мудири вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Шу билан бирга катта мавзуда, яъни «Ўзбекистоннинг шарқий районлари ва Жанубий Қозоғистоннинг суғорилиш тарихи» деган муҳим масала устида тўла-тўкис изланиш олиб борди. Кўпгина кутубхоналарда, баъзи туман ва вилоятларда бўлиб, ўша ернинг суғорилиш тарихини синчиклаб ўрганади ҳамда аста-секин кўзланган мақсадга эриша бошлайди. Олинган мавзу бўйича 1988 йилда тарих фанлари доктори илмий даражасига мушарраф бўлади.

Абдуғаффор Набиевнинг шу пайтгача яратган илмий ишлари дарсликлардан муносиб ўрин олган. Унинг 8 монографияси, 40 га яқин рисоласи ҳамда 200 тадан кўпроқ илмий-оммабоп мақолалари кенг жамоатчиликка манзур ва маълумдир. Ўлкашуносликка оид асари Давлат мукофотига ҳам лойиқ топилган.

Ўлкамиз табиатини авайлаш, ўрганиш, юртга фидойилик инсон камолотига муҳим пиллапоя деймиз. Чиндан ҳам комил инсон Ватаннинг гулдек яшнаши йўлида меҳнат қилади, унинг тарихини ўрганади, келажаги янада ажойиб бўлиши учун фидойилик кўрсатади. Ана шундай юртдошларимиз орасида профессор Абдуғаффор Набиев ҳам борлигидан фахрланамиз.

Омон САЙДАМИНОВ.

Дилкаш суҳбатлар

«БУНДАЙ ЛАЗЗАТ ФАҚАТ ТЕАТРДА БОР»

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри шу чоққача неча-неча актёр ва актрисани халққа танитди, мухлисларига етказди. Ўзбекистон халқ артистлари Маҳмуджон Ғофуров, Фароғат Раҳматовалар ҳозирда бу театрнинг отахони, онахони бўлишса, етук санъаткорлар Марям Ихтиёрова, Наима Пўлатова, Суръат Пўлатов, Файзулла Аҳмедов, Равшан Солиҳов, Дилором Сафоевалар тўнғич авлод, Марямхон, Зулайҳо, Муяссархон, Ҳамид, Боир ва Насриддинлар театрнинг умидли юлдузларидир.

— Театр ҳаётида 80-йиллар катта узилиш ҳоллари рўй берди, — дейди суҳбатдошимиз Боир Холмирзаев. — Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шарипов каби етук актёрлар театрни тарк этишган вақтларда биз енгил-елпи десам бўлмас-ов, ҳар ҳолда жиддий образлар, айниқса, қаҳрамонлар ролини ўйнаш даражасига етиб келмаган кезлар эди. Ҳозирда режиссёр бўлиб ишлаётган Рустам ака Маъдиев ўша вақтларда: «Бўлмаса ўзимиз асар ёзиб, ўзимиз саҳналаштирамиз. Четдан кимдир келиб, муаммоларимизни ечиб бермайди», дея ишга киришиб кетдилар. Хуллас, у киши драматургияга қўл урдилар, биз ёрдамлашдик. Қарабсизки, ўрнимиздан... туриб олдик.

— Боир ака, менимча сизни танитган «Давлат болалари» спектакли бўлса керак. Шундай эмасми?

— Рихсивой Муҳаммаджонов қаламига мансуб бўлган, Аҳад Фармонов саҳналаштирган мазкур спектаклда бош қаҳрамон Бутур образини яратганман. Менимча, образ, яъни ота-онаси кимлигини билмайдиган, етимхонада улғайган Бутур қайсидир жиҳатлари билан ўз ҳаётимга ўхшаб кетади. Ёшлигим Хўжанд вилояти Нов туманидаги Фармонқўрғон қишлоғида кечган. Оилада 10 нафар фарзанд эдик. Тўнғич фарзанд бўлганим учунми, оила масъулиятини чуқурроқ ҳис қилардим. Ўзим ўқиган Ҳамза номидаги 11-ўрта мактабда Маҳкам ака Исроилов (ҳозир ҳам ҳаётлар) адабиёт дарсидан кириб, жуда ифодали ўқир эдилар. Шундан кейин мен ўзимча монологлар ёдлайдиган, ўзим тўқийдиган бўлдим. Бу қизиқиш ва уринишларимни ниҳоятда эъзозлаган амаким Маматмурод ака бир куни мени ўғиллари билан Тошкентдаги Муқимий театрига олиб келганлар. Мен ўша куниёқ театрни кўриб, сеҳрланиб қолганман. Фикру хаёлим театрда бўлиб қолди. Театр ва рассомлик институтига келиб, имтиҳонлар топширганман. Сира-сира ёдимдан чиқмайди. Имтиҳонлардан ўтолмаганимда амаким домлалардан «Шу йигит хафа бўлмасин, яна бир синаб кўринглар. Унинг бинойидек қобилияти бор. Овози ва интилишларини кўринглар!» деб илтимос қилганлар. Раҳим Сайфутдинов, Шоҳида Маъруповалар шунда рухсат беришганда Уйғунниинг «Қопқон» драмасидан парча, монолог айтиб берганман. Кейин Мажнун қиёфасини, унинг айтган сўзларини ёддан айтиб берганман (албатта, ижро йўли билан). Шундан сўнг кутилмаганда «Ўқишга қабул қиламиз!» деб юборишган. Ўша вақтлардаги хурсандчиликларимнинг чеки йўқ эди.

Кечирасиз, мавзудан сал йироқлашиб кетдим. Боя айтганимдек, Бутурнинг характери балки шунинг учун менга мос тушгандир. Ёдимдан чиқмайди. Бир куни (ҳар куни театрга келиб, шу спектаклни кўрардида, охирроғида ғойиб бўлиб қоларди) бир йигит гримхонамизга кириб, «Сиз мени ўйнаяпсиз!» деб қолса бўладими?! Билсам, ҳақиқатан у ҳам Бутур каби ота-онасини кўрмаган, кимлигини ҳам билмайдиган, армонда яшаётган бир етим бола экан. Ҳақиқатан ҳам бундай кўргулик ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан. Келинг, бошқа мавзуларда гаплашайлик.

— «Ака-ука совчилар», «Тоҳир ва Зуҳра», «Хотинимнинг эри», «Мангулик», «Узилган торлар», «Тошкентда туман», «Туяқуш бояқиш», «Куёвлар конкурси» каби қатор спектаклларда салмоқли образлар яратгансиз. Айниқса, «Тўйлар муборак»да ҳам эсда қоларли қиёфалар яратгансиз. Ўзингизни бахтли ҳисоблайсизми?

— Бахтли ҳисоблашимнинг сабаблари бор. Йўқ, ўйнаган ролларим билан эмас, балки машҳур актёр Шукур Бурхонов билан бир кун суҳбатда бўлганман. Мени ўзларига яқин олиб, роппа-роса бир кун — 12 соат суҳбатларига сазовор бўлиб, панд-насиҳатларини олишга сазовор бўлганман. Яна меннинг бир бахтиёр оним, бу — устоз Ҳамза Умаровдан оқ фотиҳа олганим бўлади. Айтсам, ишонмассиз, аввалдан, ўзларидан яширинча Ҳамза аканинг овозларини ўхшатиб, тақлид қилиб юрардим. Бир куни ижодий сафарда томошабинларга у кишининг овозларини ўхшатиб, ҳазил-мутойиба қилиб турсам... Тепамда Ҳамза акамнинг ўзлари турибди. Рангим девор бўлиб кетди. Ҳозир битта «ширин» гапларини айтиб қоладилар, деб оёқларимгача қалтираб турувдим, устоз одатдагидек кутилмаганда мийиғларида кулиб туриб: «Бўларкан-у, ҳаракат қилса» деб қолдилар. Энди бу менга тарсаки эмас, мукофот эди. Кейин менга ҳамманинг олдида эзгу ниятлар тилаб, оқ фотиҳа бердилар.

— Ҳафа бўлмасангиз, бир савол бераман...

— Савол экан, бераверинг.

— Шароит туғилиб қолса, касбингизни ўзгартирармидингиз?

— Сизнинг худди шу саволингизни ўзим ҳам устоз актёрларга берардим. Аммо жавоб беришмасди ҳисоб. Доимо: «Нима қиламиз, пешонамиздаги ёзиқлиғи шу экан» деб қўяқолишарди. Ёки бошқа хунарим йўқ, деб жавоб қайтаришарди. Тушунмасдим. Кейин-кейин билдим. Театр саҳнасида бир неча ой репетиция қиласиз. Ҳали режиссёр билан, ҳали яна бошқа киши билан тортишасиз, талашасиз. Спектакль тайёр бўлганда эса, ҳаяжонланишлар бошланади. Томошабин яхши кутиб оладими, ёки... Ва ниҳоят саҳнага чиқиб, қиёфангизни яратасиз. Спектакль тугаганда эса, олқишлар бошланади. Кимдир гул тутади, кимдир табриклай... Шундай пайтда чарчоқларингиз йўқолиб, ўрнини қандайдир роҳат, лаззатлар эгаллайди. Бу ҳолат кўп давом этмайди. Нари борса, учтўрт дақиқа, холос. Аммо ўша лаззат бир умрга етгулик озуқа беради. Театрни яхши кўришимиз боиси буёқда экан.

Ҳа, театр — жону дилимга айланган. Шундай экан, Шукур ака Бурхонов, Ҳамза ака Умаровнинг руҳи-поклари ҳурмати улар ишини давом эттиришга ҳаракат қилавераман.

Зоир ТУРСУНОВ.

Фан — ишлаб чиқаришга

НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЯДИ

Ўзбекистон ҳудудида нефть фавворалари беҳисоб. Айниқса, «Кўкдумалоқ» ва «Мингбулоқ» нефть конларининг очилиши ёнилғи мустақиллигимизни таъминлашга хизмат қилди. Нефть конларининг кўпчилиги фаввора усулида қазиб олинмоқда.

Республикамизда нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш соҳасида олиб бораётган ишларимиз диққатга сазоворлигини эътиборга олиб чет эллик мутахассислар ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф қилишмоқда. Бундай ҳамкорлик ишлари айниқса Президентимизнинг АҚШга қилган сафаридан сўнг янада кенг қулоч ёзди. Фирмалар, корпорациялар ҳамда хусусий компаниялар билан кўплаб шартномалар тузишга муваффақ бўлинди. Жумладан, «Ўзбекнефтгаз» ва Американинг «Тесако» корпорациялари ўртасида муҳим шартномалар имзоланди. Мойлаш материалларини ишлаб чиқаришнинг ривожи борасида Фарғонада янги қўшма корхона очиш истиқболли режалар қаторига киритилди. Ишончимиз комилки, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши Республикамизда нефть маҳсулотларининг кўпайишида асосий омил бўлиб қолади.

Ана шундай муаммолар яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтида бўлиб ўтган Ўзбекистонда нефтни қайта ишлашнинг долзарб масалалари ва мойлаш материаллари ишлаб чиқаришнинг истиқболлари мавзуига бағишланган халқаро анжуманда кўриб чиқилди.

Ҳозирги пайтда Кимё институтида нефть маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича алоҳида лаборатория ташкил қилиниб кенг камровли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда бизга лаборатория мудири, кимё фанлари номзоди Искандар Қодиров қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Нефть маҳсулотларини ишлаб чиқаришда энг самарали йўл, бу — ҳар хил жараёнлар натижасида ҳосил бўлган сифати паст, ишлаш соҳаси чекланган, юқори молекулали ва заҳарли органик бирикмаларга бой ишлаб бўлинган нефть маҳсулотларини махсус катализаторлар ёрдамида юқори ҳарорат таъсирида гидрогенлаб экологик тоза сифатли углевод дистиллатларига ўтказишдир.

Ҳосил бўлган нефть маҳсулотларининг миқдори, сифати ва ишлатиш жараёнини олиб боришда қўлланилаётган катализаторлар хоссаси энг аввало унинг гидрогенловчи моддаларига боғлиқ. Шунинг учун катализаторни водородга тўйинтириш фаоллигини ошириш оқибатида юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда лабораторияда шундай катализаторлар намуналари яратилган ва каталитик жараёнларни ишлаб чиқиш имконини берадиган тажрибавий ускуналарни монтаж қилиш ишлари муваффақиятли якунланган. Мақсад, яратилган каталиазаторларни қурилаётган заводларга таклиф қилиб, қазиб олинаётган нефтни қайта ишлаб, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва органик синтез оралиқ моддаларини кўпайтириш. Бу республика ички бозорини жаҳон талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ва ташқаридан келадиган маҳсулотларни камайтириш имкониятини беради.

Халқаро анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши ҳам бу соҳада олиб борилаётган ишлар долзарблиги ва олимларнинг илмий хулосалари жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада эканлигидан далолат беради. Энди халқ хўжалигида жорий этиладиган ишларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, нефть маҳсулотларидан олинаётган линолеум йилига уч миллион сўмдан ортиқ иқтисодий самара келтирмоқда. «Шўртангаз» билан тузилган шартнома асосида турли лаклар ва эмаллар олинмоқда. Бу эса йилига 15 миллион сўм иқтисодий фойда келтирмоқда. Айниқса, К-12 янги препаратининг қўлланилиши бурғулаш ишларида ниҳоятда қўл келмоқда.

Мамлакатимиздаги нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришнинг йўли юқоридаги ана шу жараёнлардир. Бунинг учун олимларимиз ва мутахассисларимиз тинмай изланишлар олиб бормоқда.

Озод ХАЛИЛОВ.

Маънавиятимиз сарчашмалари

ЯХШИ СЎЗ ДЕНГ

● Барно Иброҳимова — Мирзо Улуғбек туманидаги 3-шифохонада каттalар шифокори бўлиб хизмат қилади.

— Барно опа, хабарингиз бўлса керак, инсон маънавиятини юксалтириш бугун давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. «Тиббиёт» — аниқ фан, «маънавият» эса кўпроқ тафаккур билан англанадиган ҳодиса. Шундай экан, сиз ўзингизни маънавиятга қай даражада алоқадор деб биласиз? Яна ҳам аниқроқ айтсам, сиз ҳукуматимизнинг шу сиёсатини ўз имкониятингиз даражасида қандай амалга оширишингиз мумкин?

— Биласизми, ҳамма ҳам жамиятда жуда катта ўзгаришлар қилишга қодир бўлавермайди. Инсон ўз уйи, ўз иш жойида, тўғрироғи, ўз қалбида тартиб ўрнатса ҳам маънавият юксалишига ҳисса қўшган бўлади. Мен учун бу сўз мавҳум бир нарса эмас, маънавиятни чироққа ўхшатгим келади. У ёруғ бўлса жисмни ёритади.

— Демак, маънавият тушунчасини аниқ тасаввур қилар экансиз. Беш йил Самарқанд тиббиёт институтида таҳсил олибсиз. Ўттиз йилдан зиёдроқ шифокор сифатида инсон саломатлиги учун хизмат қиласиз. Шунча узоқ фурсатдан буён шифокорлар орасидасиз. Уларнинг маънавий дунёси манзарасини тасвирлай оласизми? Саволимга ажабланманг: биз ўзгаришимиз керак, ўзгаришдан олдин қайси жиҳатларимизни ислоҳ қилишимизни билишимиз керак-ку...

— «Шифокорлар» умумий касб бўлгани билан уларнинг ҳаммасини бир қолипга солиб, «мана бундай» деб тавсифлаб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида шахс.

— Мана, сизга маҳаллангиздагилар «Яхши опа, тўртта фарзандининг ҳаммасини касби-корли қилди, бунинг устига жуда жонкуяр: ким хасталанса, олдин Барно опага айтади, зарур бўлса сўнгра бошқа шифокор ё касалхонага мурожаат қилишади», деб бир неча киши бир хил таъриф беришди. Умуман шифокорларга халқнинг ишончи қай даражада? Ахир даволашда ҳам рақобат катта. Шу саволга жавобингиздан, балки, олдингисига ҳам жавоб оларман...

— Сиз ҳозиргача бўм-бўш поликлиника, қўлқоб тўқиб ўтирган шифокорни кўрганмисиз, йўқми — демак, ҳали ишонишади.

— Барибир жуда кўпчилик шифокорларга хос бўлган таъмагирлик иллатини рад қилмассиз?

— Сиз «таъмагир»ни унча баҳайбатлаштирманг. Агар шифокор қўлидан келган ёрдамини таъма илинжида қилса — у ёмон табиб. Минг афсуски, бугунги кунда ундайлар ҳаётимизда учраб турибди. Аммо бутун фикри-хаёлини инсонни дарддан ҳалос этишга қаратиб, бу йўлда билимини, тажрибасини, меҳрини аямайдиган шифокорларимиз кўп-ку.

Агар ислоҳ қилиш керак бўлса, касбга иқтидори бор ёки йўқлигига қараб ишни бошлаш керак. Тиббиёт институтлари, техникум, ҳатто билим юртларига шу касбнинг чин ихлосмандларини қабул қилиш керак.

Ҳар ким ўз касбини жон-дилидан севса, шу касбни тақдир, мақсад деб билса, у яхши ишлайди, кам хато қилади.

— Барно опа, истиқлол ҳамма соҳаларда тараққиётни тезлаштирди. Тиббиёт ҳам шу жумладан, ривожланмоқда. Маҳаллаларда сезиладими шу ўзгариш?

— Албатта.

— Хорижий дорилар кўпайганини назарда тутяпсизми?

— Йўқ, мен аввало ўз халқона муолажаларимизга ишонч кучайганини айтмоқчи эдим. Яратган «Дард ўзимдан, дармони ҳам» деган эканлар. Мен кўпроқ тавсияларимни маҳалладошларимнинг уйидан чиқаришга ҳаракат қиламан. Бу ҳам аслида — маънавий юксалиш сари бир қадам.

— Келинг, бўлмаса суҳбатимиз охирида қуруқ бўлмасин, оқшомхонларимизга бирикки фойдали маслаҳатлар берсангиз, буёғи намгарчилик, шамоллаш дегандай...

— Ким кўп суюқлик ичиб юрса кам шамоллайди. Доим яхши ишлар қилиб, яхши гапириб юрган одамнинг қон босими собитроқ бўлади. Ким гина-кудуратни ўз ичига йиғмаса, тез унутса, юрак ҳасталигига кам чалинади.

— Ҳаммаси учун раҳмат, соғ бўлинг.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА суҳбатлашди.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувини мактабларда ўқитиш усуллари тобора такомиллашиб бормоқда. Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг 1-гимназия синфи ўқувчилари саводхонлик байрамини ўтказишгани бунинг далилидир. Бу синф ўқувчилари ўқув йилининг дастлабки икки чораги давомида ўқитиладиган «Савод» алифбосини бир ярим ойда ўқиб тугатишди.

СУРАТДА: саводхонлик байрамидан лавҳа.

Машҳур кишилар ҳаётидан

«АЖДАРҲО»НИНГ ҚАЙТИШИ

Машҳур кишилар ҳақида гап кетганда, албатта, истеъдод, меҳнат ва омад каби сўзлар тилга олинади. Ана шу уч омилнинг ақалли бирортаси бўлмаса, шуҳрат чўққисига кўтарилиш қийин. Демак, бизнингча, машҳурликни — шу уч шартнинг қўшилувидан ҳосил бўлувчи натижа «формула»си билан ифодалаш мумкин.

Битта ҳақиқат бор: кўпчиликнинг назарида «худо берган» истеъдоди туфайли «осонгина» миллионлаб долларни топаётган машҳур актёр, спортчи, хуллас, ҳар қандай таниқли одам аслида то ана шундай юксак мавқега эришгунича шунчалик кўп меҳнат, машаққат чекадики, агар сиз ҳам шундай астойдил ҳаракат қилсангиз, ундан-да зўр натижага эришишингиз ҳеч гап эмас! Инсоннинг ақлий ва жисмоний имкониятлари бисёр, фақат уни етарлича юзага чиқариб, фойдалана олиши керак. Бу эса осонгина амалга ошмайди, жуда кўп машаққатлар чекишга тўғри келади. Кўпинча иродаси кучсизроқ одамлар «Э, бор-е!» деб қўл силтаб, ярим йўлда ҳаракатни тўхтатишга мажбур бўладилар. Ахир «Ҳаракатда — баракат» деб бежизга айтилмаган. Машҳур кишилар ҳаётида ушбу нақлга мос мисоллар жуда кўп.

Гонгконглик Жекки Чан бош ролни ижро этган «Бронскдаги тўполон» фильми Америка кинобозорида йилнинг энг зўр киноасари деб топилиб, улкан муваффақият қозонди. Ҳеч қайси картинадан худди бу кинодагидек — икки кунлик намойишининг ўзидаёқ 10 миллион доллар фойда олинмаган эди. Бош ролни ижро этган Жекки Чан ҳақида АҚШ матбуоти: «аждарҳонинг қайтиши», «иккинчи уриниш»даги ғалаба» дея таъриф берди. Ҳақиқатдан ҳам, Шарқий осиёлик актёр қатнашган биринчи фильм АҚШда деярли эътиборга олинмаган эди. «Бу картинада ҳам деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, дейди Жекки Чан, — фақатгина америка томошабинлари Голливуднинг ғайритабиий «супер одам» иштирокидаги ур-сур киноларидан чарчаган. Худди ана шундай пайтда бизнинг ортиқча муболаға, бўрттиришлардан холи, мутойибага бой фильмимиз уларга жуда маъқул тушди». Ихчам гавдали Жекки Чан экранда оддий, фақат «ушу» санъатини мукаммал эгаллаган киши сифатида кўринади. У худди раққос каби бирор дақиқа тинч турмайди — жуда ҳаракатчан. Унинг фильмлари зўравонлик, беҳаё ва шафқатсизлик саҳналаридан бутунлай холи бўлганлиги учун ҳаммабоп асарлардан ҳисобланади.

Жан Квон-санг (Жекки тахаллусини анча кейин олган) 1954 йил Гонгконгдаги фақирнинг оилада туғилди. Ҳаёт кечириш шунчалик оғир эдики, ҳатто отаси уни бир инглиз врачига бор-йўғи 26 долларга сотиб юборишига оз қолганди. Мурувватли доктор пулни тўлади-ю аммо «жонли товар»ни олмайди. Аста-секин оиланинг моддий аҳволи яхшилана боради. Етти ёшида болани хитой опера марказига ўқишга жойлаштирадилар. Санъатнинг ушбу ўзига хос турида актёрлик ўйини билан бирга, мусиқа, рақс ва якка кураш кўринишлари ҳам уйғунликда ўргатилар эди. «Кўп соатлик репетиция — машғулотлардан сўнг аъзои-баданим худди калтакланган-дек қақшар эди, — деб эслайди актёр. — Аммо кейинчалик муваффақиятга эришувимга катта ёрдам берган жисмоний ва маънавий хислатлар ўша йилларда шаклланган эди».

1970 йилдан бошлаб Жекки Чан кинокаскадёр бўлиб ишлай бошлайди. Тезда ўспириндаги ажойиб қобилиятни пайқаган режиссёрлар уни актёрлар сафига киритишади. Афсонавий Брюс Линнинг кутилмаганда бевақт вафотидан сўнг Жеккига «аждарҳонинг вориси» унвонини берадилар. 1978 йили экранларга «сархуш уста» фильми чиққандан кейингина унга ҳақиқий омад кулиб боқди. Шундан бери Жекки Чан Гонгконгнинг энг кўп ҳақ оладиган актёри сифатида биринчиликни қўлдан бермай келяпти. У ҳар бир фильмда қатнашганлиги учун 5 миллион доллардан ҳақ олади.

Ҳозир бутун Осиёда машҳурликда Жекки Чанга тенглашадиган уста актёр йўқ. Гонгконгда уни Синлун, яъни «аждарҳога айланган» деб аташади. Ҳатто, Жекки Чан мухлисларининг махсус клуби тузилган бўлиб, унинг ўн минг нафардан зиёд фаол аъзоси бор. Актёрлик ишларидан ташқари, у хайрия тадбирлари ва кўплаб жамоатчилик юмушларида ҳам фаол қатнашади.

Албатта, ҳар қандай юксак тоифали «ушу» усталари каби, Жекки Чан ҳам ўзининг аъло даражали «формаси»ни сақлаш учун ҳар куни бир неча соат вақтини жисмоний машқларга ажратади. Аммо оилавий турмушда яна ўша кўплаб машҳур кишилар сингари Жеккининг ҳам омади чопмаган. Тайванлик актриса билан қисқа муддатлик никоҳидан унинг ҳозир 13 ёшли ўғилчаси ўсяпти. Шундан бери мухлисаларининг сон-саноқсиз бўлишига қарамай, бояқиш Жекки гўзалларга кўнгил майлини очмай келяпти.

«Бронксдаги тўполон» Янги Дунё — Америкада шоншуҳрат чўққисини тарк этгани йўқ. Худди ўн беш йиллик кечикишдан сўнг («Тўполон» фильми актёрининг Голливудга иккинчи «ҳамла»си) худди кечирим сўраётгандек, Голливуд уни энг таниқли студия ва режиссёрларнинг оҳанрабодек таклифларига «кўмиб ташлади». Аммо ушбу маккорлар даргоҳи ҳийлаларини яхши тушунган Жекки шартномаларни имзолашга унчалик шошилмаяпти. Негаки, муваффақиятсиз, деб баҳоланган биринчи фильми ҳақида танқидлар ҳали унутилгани йўқ. «Муваффақият — ҳеч гап эмас, ҳамма гап меҳнатда, — дея фалсафий фикрлайди актёр. — Меҳнат мени «юлдуз» қилиб кўтарди».

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Йўлдош СУЛАЙМОН

АРМОН

РОМАНДАН БОБ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

— Ялинганини ё йиғлаганини эшитганим йўғу, — деди Маҳбубахон қўлини хамирдан олиб, — Аҳматилло ҳовли бетида дадамга қаттиқ-қаттиқ гапириб, «шунча пулга ўтдай тушдик» ва яна алланималар деб чиқди-кетди. Кейин дадам Зиёхонни қарғашга тушдилар. Дадам айт десалар, бетингни ел егур байт деб турганини кўриб, ер ёрилса-ю ерга кириб кетсам дедим.

— Ёлғон!

— Нима ёлғон?

— Бу гапларга мени ҳеч ким ишонтиролмайди, — деди Дарвишали тўлғониб, — Сиз ишоняпсизми? — у хотинига қаради, — ўз қариндошингизга ўзингиз ишонмайсизми?

— Бўлган воқеани айтяпти-да, унда нима айб, — деди Ойимхон хола. — Сенга нима, бунча тутақасан? Яхши ҳам ўз қизинг, ўз синглинг эмас. Унда роса худо бериб, ҳамманинг бошини уриб ёрармидинг, дейман?

— Оқ нарсани ҳамма қора деб турса, виждонинг чидамас экан, — Дарвишалининг титроғи кучайиб борарди. У онасига «У менинг жонимку, жонимнинг ўзи-ку, у менинг борим-йўғим-ку» деб айтгиси, шу сўзларни жуда-жуда айтгиси келди. Нега айтолмаяпти? Нега юрагидаги ҳайқириқни яна ичига ютяпти? У дунёга нима учун келган? Совуқ ақлнинг оёғи тагида эзғиланиши учунми? Ўз юрагини ўзи хўрлаш учунми? Ким ўзи у ўз хоҳишини ўзи яширса? У ўзини ўзи қачонгача алдайди? Дарвишали орқасига шарт бурилиб, остонадан ҳатлаётганда аввал онасининг, кейин Маҳбубахоннинг «тавба» деганигина қулоғига кирди. У ҳовли ўртасига бориб, яна тўхтади. Қаёққа боради? Кўчага чиқолмаса, бирор ёру дўст билан учрашиб кўнгил ёзишни истамаса, кечасида туртиниб, боғ айлансинми? Ҳали дадаси келса, гап бошқатдан чувалашади. У тўрдаги уйга кириб, чироқ ёқиб, кўрпа-ёстиқларни пала-партиш олиб, ўзига алоҳида жой солиб, дарров чироқни ўчириб ётди, у ёқ-бу ёққа думалади. У ухлаб, донг қотиб ухлаб, ҳамма ташвишлардан ўзини олиб қочмоқчи, уйқудан кейин ақлни ишга солиб, йўл қидирмоқчи. Қани, уйқу келса. Ўрнидан туриб, яна чироқ ёқди, китобларни кўздан кечирди. Аммо бирортасини олишга қўли бормади. Одилжон уни кечки овқатга чақирди. У ўғлига эҳтиёткорлик билан эргашди. Дадаси ҳам ишдан қайтибди. Дарвишали ўйлагандай бўлди. Овқат устидаги суҳбат мавзуи Зиёхон билан Аҳматиллодан бошқа ёққа ўтмади. Салмон ота Зиёхоннинг ўзи тўғрисида ҳеч нима демаса ҳам замоннинг эркинлигидан баъзи ёшлар бемаъни фойдаланаётгани, ёшларни қаттиқроқ ишлатиш зарурати, бекорчилик кишини ҳаром-хариж йўлга бошлаши, эрк билан шарми-ҳаёни бир-бирига қарама-қарши қўймаслик ва яна алланималар ҳақида куйиб-пишиб гапирди.

— Очиқ-сочиқ юриш, бу фақат эркаклар билан кўришиш эмаслигини наҳотки, баъзи ёшлар тушунмаса, — Ойимхон хола чолининг гапини илиб кетди. — Қинғир ишни қанча яширма, эплаб бўлмайди, охири этаги кўриниб қолади. «Касални яширсанг, иситмаси ошкора» деганларидай Зиёхон ҳам...

— Бўлди-да, энди! — суҳбатга аралашмай, тишини тишига қўйиб ўтирган Дарвишалига онасининг гапи оғир ботиб, бутун вужуди тебраниб кетди. — Зиёхон ҳақида гап кетса, ҳаммадан бурун сизнинг оғзингиздан бол томарди-ку?

— Одамнинг ичидагини билиб бўлмас экан-да, — деди Ойимхон хола ҳам аччиқланиб, — битта ўзини эмас, аввало тоғасини, қолаберса, бизларни ҳам ерга қаратди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирлармиди? Бу ёқда не умидлар билан тўй қилиб, бир ёстиққа бош қўйган йигитнинг бошини тошга урдирди. Аҳматиллога осон деб ўйлайсанми?

— Ўшани гапирманг, — Дарвишали ўзига енгил фотиҳа тортиб, ўрнидан туриб, худди биров қувгандай нариги уйга югуриб, чироқ ҳам ёқмай ҳали ўзи тўшаб қўйган кўрпага ўзини ташлади. «Бизнинг хонадондаки, шунча лой чапланяптими, бошқаларнинг Зиёхонни қип-қизил шайтонга чиқариб қўйиши ҳеч гап эмас-ку? — Дарвишали аламини кимдан олишни билмасди. — Наҳотки, бувим ҳақ бўлса? Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламаслиги тўғри. Аммо шамолнинг қайси тарафдан келаётганини ҳам билиш керак-да! Демак, барибир шамол бор! — Дарвишали ўзи билан ўзи олишишга тушди. — Йўқ-йўқ, бу гапларни Зиёхонга қиёслаб бўлмайди. Сиз ҳозир нимани ўйлаяпсиз, Зиёжон, ҳозир Сизни нима қийнаяпти?» Уй остонасига яқинлашаётган шарпани сезиб, Дарвишали ўзини аллақачон ухлаб қолганга солди. Маҳбубахон чироқ ёқиб, Дарвишалининг тепасига келиб:

— Вой, ухлаб қолдингизми? — деб овоздан унинг уйғонишини кутди. Дарвишали қимир этмасди. Маҳбубахон ҳовли бетига чиқиб, яна келиб, «бунча тез ухлашибди» деб ўзига ўзи гапириб, Дарвишалининг ҳали у, ҳали бу тарафига ўтди. Маҳбубахон келин бўлиб тушганига ўн бир йилга яқинлашиб қолган бўлса, шундан бери энди биринчи марта ўзига алоҳида жой солди, кўрпа орасига кириб ҳам илҳақлик билан Дарвишалига қараб-қараб, охири уйқуга кетди. «Бунинг уйқудан бошқа нима ташвиши бор, — Дарвишали ёнига эҳтиётлик билан қараб, ухлаётганини билиб, бемалол ёнбошлаб, чироқни ўчиришни ҳам унутгани учун ёруғда унинг юзига бир-икки кўз ташлаб, ундан Зиёхонга ўхшаш нимадир топгандай бўлиб, дарров чироқни ўчирди. — Зиёхон ёлғиз. унга ҳеч кимни қиёслаб бўлмайди. Нега бундай бўлди? Ўзи нима гап, Зиёжон! Ўзинг айт, йўқ-йўқ, айтма, сенга бундай савол кўзи билан қарашимнинг ўзи уят-ку! Аҳматилло нима учун алжираяпти? Нима учун?! Бу туҳмат ва маломат тошлари уни эзиб қўймадими? Унга мен ҳам томошабинми?» Дарвишали Зиёхон билан хаёлда юзма-юз бўлиб, унинг табассуми, шўх, шаддот ҳолатини кўз олдига келтириб, бир дақиқа ҳамма нарсани унутди. У Зиёхоннинг шу ҳолатини хаёлидан нари кетказмасликка тиришар, аммо ўша дақиқанинг ўзида Зиёхон ғойиб бўлиб, ўрнига Аҳматилло кўринар, дам унинг олдига Абдушукур маҳдум ўтиб, уни тўсарди.

Дарвишалининг кўзлари толди... Ниҳоят ўша кўпдан орзиқиб кутилган кун келиб, Ширинбулоқликлар икки от-аравада Шоҳимардонга отланганмиш. Аравани бири Дарвишалининг кўча эшиги тагига келганда, аравакаш от устида туриб, уларни «чиқа қолинглар» деб қистаётганда шаҳардан Зиёхон келиб қолганмиш.

— Йўл бўлсин? — Зиёхон Дарвишали билан Маҳбубахоннинг сафар тараддудини кўриб, орқасига қайтмоқчи бўлибди.

— Шоҳимардонга!

— Шоҳимардонга? — Зиёхон суюниб кетганмиш. — Фарғонада турганимда тез-тез чиқардик. Икки йил бўлиб қолди йўлим тушмаяпти.

— Биз билан юринг, — деб Дарвишали унинг енгидан ушлаб, кейин дарров қўлини ушлабди, — борасизми?

— Ростданми?

— Ҳа!

— Вой, қандай яхшисиз, поччажон, — дебди Маҳбубахондан илгари аравага чиқа бошлаган Зиёхон, — тоғни соғинган эдим.

— Мен сизни! — дебди Дарвишали беихтиёр. У ўз гапидан ўзи қизарар эмиш.

— Гапингизга ишонмайман! — дебди Зиёхон аразлаган оҳангда, — сиз мени қидириб бордингизми?

Зиёхоннинг гапига Маҳбубахон кулибди. Аравадагилар ҳам Дарвишалига табассум билан қараб туришармиш. Дарвишали ўзини йўқотиб қўйибди. У гапни бошқа ёққа буриб, аравакашга:

— Сиз нариги аравага чиқинг! — дебди отнинг жиловини ушлаб, — буни мен минаман...

Дарвишали бир сакраб, эгар устига чиқиши билан от олдинга интилиб, аравани шарақлатиб кетибди. Орқадаги аравада икки ўрта ёшли, бир мўйсафид ва тўрт ёш йигит келарди. Дарвишалининг аравасида нуқул қизлару аёллар. Зиёхон аравани олдида. Дарвишали дам-бадам орқасига қайрилиб, Зиёхон билан кўз уриштириб, бир энтикиб, яна отни ниқтарди. Зиёхоннинг кўзларида, юзларида, лабларида шунчалик жилва, шунчалик жозиба, шунчалик тиниқлик, шунчалик шўхлик ва самимийлик ловуллаб турар эдики, Дарвишали отга беихтиёр қамчи урди. Ўз лабларини беихтиёр тишлаб-тишлаб қўярди. Улар қош қорайганда Риштонга кириб боришди. Риштон кўчаларига одам сиғмайди. Дарвишали аравани секинлатиб, синчиклаб қараса, бирорта эркак кўринмайди. Кўчани фақат бўйга етган қизлар тўлдирибди.

— Бунча чиройли! Риштон қизлари мақтаганларича бор экан-да! — эркаклар қолиб, ҳатто аравадаги аёлларнинг ҳам оғизлари очилиб, кўзларини Риштон сулувларидан узишолмаяпти. Қизлардан бири Дарвишалининг ўнгиридан тортиб:

(Давоми 4-бетда).

АРМОН

(Охири. Боши 3-бетда).

— Тушмайсизми? — дейди. — Роса куйдирдингиз-ку!

— Кимни?

— Мени-да! — қиз эркаланиб-эркаланиб куляпти.

— Сиз қолинг, поччажон, — деб аравадан тушиб, уларнинг ёнига яқинлашган Зиёхон ҳам куляпти. У эгар устида иккиланиб турган Дарвишалидан аразлагандай, «Сиз кета беринг» ишорасини қилиб, ўзи ҳалиги қиз билан қўлтиқлашиб, аравадан узоқлашяпти. Дарвишали отдан сакраб тушиб, уларга етиб олиб, иккаласини ҳам аравага чиқарди. Шу-шу Олтиариқдан, Чимёндан, Водилдан, Қадамжойдан ўтгунча ҳам орқасига қайрилмай, аравадагиларнинг гапларига қулоқ ҳам тутмай борди. Тоғдан қулаб тушган катта харсанг ёнидан ўтишаётганда Зиёхон билан ҳалиги қиз аравадан тушиб, тоққа югуришди. Дарвишали ҳам улар изидан югурди. Отнинг ўзи кетаверди. Иккала арава кўздан узоқлашганда Дарвишали Зиёхонга етиб олди. Риштонлик қиз кўринмасди.

— Энди тоғдан пастга тушмаймиз, поччажон, — деди Зиёхон иккала қўлининг кафтларини Дарвишалининг икки елкасига теккизиб, кўзларини ловуллатиб, — шу ерда яшаймиз. Зиёхон иккала қўлини карнай қилиб, овозининг борича чақириб, — поччажон, — деди.

— Зиёё, ҳей-ҳей, Зиёжон, — Дарвишали ҳам ҳайқирди. Иккалалари ҳам кулишиб-кулишиб, қувлашиб-қувлашиб, пастга тушишди. Сув бўйида риштонлик қиз турибди. Зиёхон у билан худди энди кўришаётгандай қучоқлашиб сўрашди. Улар ширинбулоқликларнинг орқасидан етиб олишни ҳам ўйламай, йўлда учраган араваларга ҳам чиқмай охиста пиёда кетишди. Дарвишали иккала қиз билан Кўккўлга бориб, қайиққа тушиб, кўлни бошларига кўтариб кулишди, ашула айтишди. Кўлнинг нариги бетида қайиқдан тушишиб, оёқ кийимларини ечишиб, уччалалари уч тарафга югуришиб, сув кечишди. Риштонлик қиз тоғнинг тирсак бўлиб чиққан бўлаги орқасига сакраб-сакраб ўтиб кетди. Зиёхон ҳам сув кечяпти.

— Поччажон, мен бу ерда! — Зиёхон яп-янги кўйлагини алмаштириб олишни ҳам унутиб, сувга шўнғиб-шўнғиб, яна Дарвишалига қараяпти. — Гўзал поччажон, гўзал!

Дарвишали унинг ёнига чопиб боряпти. Зиёхон «тутиб ололмайсиз» дегандай жон ҳолатда қочяпти. Дарвишали етай-етай деганда Зиёхон унга сув сочяпти.

— Соч, Зиёжон, яна соч! — Дарвишали унга ялиняпти, — соч Зиёжон, яна соч, яна-яна...

Зиёхон сув сочиб-сочиб, Дарвишалига яқинлашиб, унинг елкаларини ушлади. Унинг кўйлаги шалабо бўлиб, баданига ёпишиб, иккала сийнаси шундоққина диркиллаб турар, чуқур-чуқур нафас олаётганидан силкиниб-силкиниб қимирлаб Дарвишалининг ҳушини ўғирларди. Дарвишали ўзини ушлолмади, уни маҳкам қучоқлаб олди. Зиёхоннинг ширин нафаси томоқларига урилиб, қўшалоқ хандалакчалар кўксига юмшоққина тегиб, Дарвишалининг бутун вужуди эриб, сув бўлиб, Зиёхоннинг баданига сингиб кетгандай, назарида Дарвишали энди йўқдай. У кўзини очса, қучоғи бўш, Зиёхон сувдан чиқиб, тоққа тирмашяпти. Дарвишали бахтдан энтикар, Зиёхонга бутун вужудини меҳр қилиб, оловга айлантириб термулар, ширин жуда ширин ютиниб-ютиниб қўярди. Зиёхон худди орқасидан биров қувиб бораётгандай, ён-верига ҳам қарамай юқорилаб боряпти. Дарвишали ҳамон ундан кўз узмас, унинг яна шу ерга қайтиб тушишини кутаётгандай жойидан қўзғолмасди.

— Мени кўряпсизми? — Зиёхон катта тош устига чиқиб, Дарвишалини чақирди. — Келинг, поччажон, келинг!

Дарвишали югурди. Уни кўриб, Зиёхон яна тепага интилди. Дарвишалининг йўли унмасди. Унинг кўзи узоқдан танишдай кўринган йигитга тушиб, тўхтаб қолди. Йигит Зиёхонга етиб олиш учун дам югуриб, дам чўккалаб, дам эмаклаб юқорига кўтариляпти. Уни Зиёхон ҳам кўрди. У энди Дарвишалига ҳам қарамас, овозини чиқармас, қоқиниб-суриниб, бир-икки оёғи тойилиб, яна ўзини ўнглаб, кўтарилишда давом этди. У тоғ тепасига чиқиб, баланд-пастликдан дам кўриниб, дам кўринмай, кун ботиш тарафга чопарди. Ҳалиги йигит ҳам тоғ тепасига чиқай-чиқай деб қолди. Зиёхон тоғнинг тик қоясига яқинлашяпти. Дарвишалининг оёқлари қалтираб, кўзлари олайди.

— Бу ёқ жарлик! — Дарвишали овозининг борича бақирди. — Зиёжо-о-н, тўхтанг, йиқиласиз, жарга йиқиласиз!

Йигит худди уни жарга қулатмоқчидай, унга интиларди, Зиёжон жарликка жуда яқин қолди. У рўпарасидаги жарликни кўрмай югурарди.

— Зиёжон, эшитяпсизми, Зиёжон, ундан қўрқманг, тўхтанг! — Дарвишалининг овози бўғилиб, йиғлаб юборди. Зиёхон уни эшитмасди. Дарвишали унга қараганича, қўлини чўзиб хирилларди...

Унинг овозидан Маҳбубахон чўчиб уйғонди. У қўрқиб, бир оёғига калиш топиб, бир оёғи яланглигича ўзини ташқарига ураётганда Дарвишалининг яна «тўхтанг, тўхтанг» дегани эшитилди. Ўз овозидан ўзи уйғонган Дарвишали ўрнидан ирғиб туриб, ҳансираб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Тонг ёришишга келибди. Маҳбубахон остонанинг нариги ёғида унга ярим қайрилиб, ҳадик билан қараяпти.

— Сув! — деди Дарвишали ўзига келиб, — сув беринг!

— Ҳозир! — Маҳбубахоннинг овози ҳам зўрға чиқди. У ичкарига қайтиб кириб, туртиниб, токчадаги чиннилардан бирини ерга тушириб, иккинчисини олиб, сув қуйиб, қўли қалтираб Дарвишалига тутди.

— Босинқирабман! — деди Дарвишали сувни шимириб бўлиб, ҳамон чуқур-чуқур нафас олиб, — бошқалар билмасин!

Маҳбубахоннинг оёқ шарпаси узоқлашиши билан:

— Мени Зиёхон кутяпти, — деди ичида тушига ўзича таъбир бериб, — бу туш бежиз эмас!

У ҳовли тарафга мўралади. Ҳаммалари туришибди. Дарвишали улар ёнига боришга, айниқса, Маҳбубахон билан учрашишга хижолат бўлиб, боққа йўл олди. Баданлари ёз офтобида қолган мисдай қизиган эди. Буни ўзи ҳам сезди. Кўзлари тиниб, боши айланди. Изига қайтиб, яна кўрпа орасига кирди. Нонуштага чақириб келган Одилжонга кўрпа ичида туриб:

— Устимга кўрпаларни ташла, — деди ияги такиллаб, баданлари қизигану ич-ичига эса муз кириб қолгандай совқотиб, — ташла, яна ташла!

Кўрпа устига кўрпа ташлаб, дадасини ўраб бўлиб, чопқиллаб чиқиб кетган Одилжон ўша замони изига қайтди. Унинг орқасидан Ойимхон хола, Салмон ота, Маҳбубахон бирин-кетин кириб келишди.

— Безгак тутибди, — Ойимхон хола кўрпа тагидан қўлини олиб бориб, Дарвишалининг юзини силаб, атрофдагиларга жавдиради. Маҳбубахонга қараб:

— Анови оқ рўмолни боққа олиб чиқиб, шабнам кўтарилмаган жойларга ташлаб-ташлаб, шимитиб-шимитиб олиб келинг, — деди. Одилжонга ҳам иш буюрди. — Уч-тўртта катта тошлардан топиб, ўчоқ бошига келтириб қўй, ҳали қиздирамиз!

У ўғлини кўрпа устидан сийпалар, кўзлари ёшга тўлиб борарди. Салмон ота ўзининг ҳам бирор ишга буюрилишини кутиб, Ойимхон холанинг тепасида тик турарди. Безгак деса, чолу кампирнинг жонида жон қолмайди. Ана шу касофат безгак бўлмаганда болалари бир уйни тўлдирарди, бир аравага сиғмасди. Ўшалардан биттагина бўлиб, кўзларининг оқ-қораси Дарвишалигина улғайди. У сал чучкириб қўйса ҳам иккалалари шаҳардаги докторга югура бориб, жонларини ҳовучлаб катта қилишди. Қачондан бери бу касал улар оиласига аралашмай қўйган эди. Шам шимитилиб, худди сувга чайиб олгандай бўлган рўмолни Маҳбубахоннинг қўлидан олган Ойимхон хола кўрпани шарт қайириб, Дарвишалининг кўйлагини ечтириб, баданига ўша рўмолни ёпиштириб, дарров яна кўрпаларни устига ёпди.

Теннис

«УМИД ҒУНЧАЛАРИ — 96»

«Юнусобод» спорт-соғламлаштириш клуби кортларида Юнусобод туман ҳокими соврини учун теннис бўйича «Умид ғунчалари — 96» мусобақалари бўлиб ўтди. Унда тумандаги «Учқун», «Саломатлик» ва «Юнусобод» спорт клубларида теннис сирларидан сабоқ олаётган 66 нафар ўсмирлар иштирок этишди.

Болаларни спортга ошно қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш каби хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил қилинган «Умид ғунчалари» турнирининг айни вақтда нуфузи ҳам анча баландлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Зеро, у МДҲ доирасидаги ўсмирлар ўртасида рейтинг очколари бериладиган расмий мусобақалар қаторига киритилган.

Ниҳоят саккиз кун давомида ўтказилган саралаш мусобақалари якунланиб ёш ишқибозлар ва мутахассислар билан тўла марказий кортда ҳаяжонли финал беллашувлари бўлиб ўтди. 11 ва ундан ёш ўғил болалар баҳсида А. Подчеваров («Учқун»), 12-13 ёшли ўсмиринлар орасида Е. Страхович («Учқун»), 14-16 ёшли болалар ичида О. Раҳматуллаев («Учқун»)лар ғолиб чиқишди. 11 ёшгача қизлар ўртасида эса Р. Болтабоева («Юнусобод») зафар қучди. Аралаш жуфтликлар баҳсида Н. Закопайко — Е. Страхович, ўсмирлар жуфтликлари ўртасида К. Власов — Жумабоев, қизлар беллашувида эса О. Власова — Н. Закопайколар ғолиб чиқишди. Уларнинг барчаси «Учқун» спорт клуби тарбияланувчиларидир.

Барча ғолиблар дартс спорт ўйини анжомлари, спорт костюмлари ва пойабзаллари билан тақдирланишди. «Умид», «Энг кутилмаган ғалаба соҳиби», «Энг ёш қатнашчига» рағбатлантирувчи совринлари ҳам ўз эгаларига топширилди. Ўйлаймизки, республикамизда теннисни ривожлантириш ишига ана шундай омилкорлик билан ёндошилса, болаларни ёшлигидан кўплаб қизиқарли мусобақаларда тоблантириб борилса келгусида улар орасидан Огородов, Томашевичдай иқтидорли теннисчиларимизнинг муносиб издошлари етишиб чиқади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: майдонда — «Умид ғунчалари» мусобақасининг қатнашчилари.

Рашид Галиев олган суратлар.

Футбол юлдузлари

Томас ХЕССЛЕР — «ДАҲШАТЛИ ҚУРОЛ»

Шу йил ёзда Англияда ўтказилган жаҳон чемпионати олдидан россиялик журналист Томас Хесслерни Германия терма жамоасининг «Даҳшатли қурол»и деб атаган эди. Ҳақиқатда шундай бўлди. Россия терма жамоаси илк бор немислардан йирик ҳисобда мағлубиятга учради. Руслар бу ўйиндан сўнг ўзини ўнглай олмади ва навбатдаги босқичга чиқиш имкониятини бой берди. Қуйида Константин Настиннинг Томас Хесслер билан «Матч» журналида эълон қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Томас Хесслер, 1966 йилнинг 30 майида туғилган. Бўйи: 166 сантиметр. Оғирлиги 67 килограмм. «Метеор-06», «Райникендер феркельн», «Ювентус», «Рома», «Карлеруэ» жамоаларида тўп сурган юксак маҳоратли ярим ҳимоячи. Терма жамоа сафида илк бор 1988 йилда майдонга тушган. 1990 йилда жаҳон чемпиони, 1992 йилда Европанинг энг кучли футболчиси деб тан олинган. 1996 йилда Европа чемпиони. Бундеслигада 208 бор майдонга тушган. Италиянинг «Рома» жамоасидан «Карлеруэ»ликлар 4.3 миллион долларга сотиб олган.

— Томас, шон-шуҳратли Италия клубидан Бундеслигадаги ўртамиёна жамоасига ўтишга қандай зарурат бор эди?

— Агар очиқ тан оладиган бўлсам, Апеннин ярим оролидаги Италия футболи мен учун зерикарли машғулот бўлиб қолди. Менгина эмас, бир гуруҳ немис футболчилари уйларига қайтди. Меллер, Заммер, Колер, Клинсманн. Узоқнинг қуйруғидан яқиннинг ўпкаси афзал деган нақл бор.

— Ватанга қайтишга нима мажбур этди? Бурчми ё фарзандлик ҳисси?

— Пичингга ҳожат йўқ. Футболчи ўттиз ёшни қоралаб қолганда туғилган юрт тупроғини қўмсаб қолиши табиий бир ҳол.

— Футболга қаерда қизиқиш кучлироқ: Германиядами ёки Италияда?

— Бундеслигадаги футболга бўлган мухлисларнинг муҳаббати Италиянинг олий табақасидагидан қолишмайди.

— Томошабинлар қаерда кўпроқ?

— Италияда. У ерда ҳар икки ўйиндан бирида майдон мухлислар билан тўлиб-тошади. «Карлеруэ»даям ёмон эмас. 25-30 минг одам тўпланади.

— Бу ерда Италиядагичалик ҳақ тўламасалар керак?

— Албатта. «Ювентус» ва «Рома»да кўп тўлардилар. Бироқ мен бундан афсусланмайман.

— Сир бўлмаса, ҳозир қанча топасиз?

— Ойига 100 минг марка атрофида.

— Мавсум охирига бориб шартномангиз тугайди. Кейин нима қилмоқчисиз?

— Ўйнамоқчиман.

— Қаерда?

— Ҳозирча «Карлеруэ»да. Бу ердаги шароит мени қаноатлантиради.

— Нима учун мавсум бошидаёқ сизни жамоанинг сардори этиб тайинлашди?

— Билмадим. Эҳтимол ёшимни ва тажрибамни инобатга олишгандир.

— Кўпгина футбол юлдузлари майдонни тарк этиш олдидан Японияда тўп суришни истаб қоладилар. Сизнинг бундай режаларингиз йўқми?

— Бу ҳақда ўйлаб кўрганимча йўқ.

— Жамоада сизнинг лақабингиз борми?

— Болалигимда «Кичкинтой» деб чақиришарди. Терма жамоада ҳам бу лақаб менга ёпишиб олди. Нима ҳам дердим. Бўйим билан мақтанолмайман.

— Нима, буни нуқсон деб ҳисоблайсизми?

— Йўғ-э, нега энди.

— Энг яхши фазилатларингиз?

— Ўзимга ишонч, дадиллик ва интизом.

— Сизни... айёр дейишади.

— Умид қиламан-ки бу баҳо менинг майдондаги ҳаракатимга берилган.

— Сиз дарвозага киритган тўпларингизни аксарият жарима майдончаси ёнидан тепасиз.

— Мен каби ўйинчилар учун яхши тайёргарлик билан тепилган тўп рақиб дарвозасига ҳамиша хавф солиб келган.

— Моҳир футболчилар бошқалардан кўра кўпроқ қўпол ҳимоячилардан азоб тортади. Бундан сиз ҳам бенасиб эмассиз чоғи?

— Тўғри топдингиз. Жароҳат ҳали битмай туриб, яна ва яна укол олишга ўзингни тайёрлашинг керак. Бу жуда ёқимсиз нарса.

— Оёқни кўпроқ қаерда «нишон»га оладилар? Германиядами ёки Италияда?

— Афсуски бир хил. Футболдаги қўполлик чегара билмайди.

— Ҳакамларнинг муносабати эса турлича.

— Бу тартиббузарликка айнан Италия ва Германияда қаттиқ чора кўрадилар десам хато бўлмайди.

— Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан сўнг қайси йил сиз учун омадли бўлди?

— 1992 йил. Шу йили мен Европа ва ватанимнинг энг яхши ўйинчиси деб тан олиндим. Афсуски, финалда данияликларга ютқазиб қўйдик.

— Ҳар бир ўйинчи терма жамоа мураббийси Фогтс билан тил топишишга ҳаракат қилади. Сизларнинг муносабатингиз қандай?

— Иш юзасидангина гаплашамиз. Умуман, ёмон эмас.

— Айтингчи, Италиядан қайтаётиб Эльзасда тўхтаганингиз ростми?

— Ҳа.

— Нима сабаб бўлган эди?

— Эльзасни яхши кўраман. Бунинг устига менинг уйим Карлеруэ яқинида жойлашган.

— Бу йилги режаларингиз?

— «Карлеруэ» жамоасини карвонбошилар сафига олиб чиқиш ва Кубок эгалари баҳсида қатнашиш.

Абдураҳмон ЖЎРА таржимаси.

Қилмиш-қидирмиш

ЗЎРАВОНЛИК ҚАМОҚҚА ЕТАКЛАДИ

У ўзгаларнинг мол-мулкини босқинчилик йўли билан эгаллаб олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйганди. Шу ниятда навбатдаги «ов»га отланди. Уй-рўзғорда ишлатиладиган пичоқ билан қуролланиб Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги Аносов кўчасида яшовчи фуқаролардан бирининг уйига ярим тунда бостириб киради. Дўқ-пўписа йўли билан уй соҳиби Қорабоевдан 50 минг сўм пул талаб қилади. Агарда шунча пулни топиб бермаса жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида эканлиги тўғрисида огоҳлантиради. Аммо Абдулла Ҳасановнинг «ов»и бароридан келмайди. У бойлик орттириш мақсадида ошкора зўрлик ишлатиб турган вақтида жабрланувчи ва унинг қариндош-уруғлари гувоҳлигида ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Суд залида жиноятчи ўз қилмишларига, қилган жиноий ҳаракатига иқрор бўлмасдан турли баҳонаю рўкачларни келтирди. Гўё у ўша тунда бир танишиникига тўйга боргану озгина спиртли ичимлик истеъмол қилган. Кечаси уйига қайтиб келгач, ўз итини тоза ҳавода айлантириш учун кўчага олиб чиққан. Ташқарида эса бир нечта итларни кўриб унинг кучуги ҳам қўлидан чиқиб кетган. Шу тарика жабрланувчиларнинг уйига кириб қолган. Ахир ёлғон ҳам эви биланда. Лекин қонун ҳамма нарсадан устун. Абдулла Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 127-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида суд ҳукми чиқарилди.

Комилжон ТОШМИРЗАЕВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ САВДО • САНОАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ТОШКЕНТ ШАҲАР ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ иккинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасига ўзбек ва хорижий фирмалар, корхоналарга ташриф буюришга ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ярмаркага қуйидагилар таклиф этилади:

- *бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар;*
- *инвестицион лойиҳалар;*
- *илмий ишланмалари ва «ноу-хау»;*
- *қўшма корхона ташкил этиш бўйича таклифлар;*
- *моддий-техника ресурслари, жиҳозлар ва жамламаларни етказиб бериш бўйича таклифлар;*
- *эркин ишлаб чиқариш майдонлари, муҳандислик коммуникациялари, омборхоналар;*
- *қурилиши ниҳоясига етказилмаган иншоотлар;*
- *жиҳозлар ва ишлаб чиқариш майдонлари лизинги.*

16 декабрдан 21 декабргача Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг (Ш. Рашидов кўчаси, 40) Халқаро алоқалар Марказида

Биз Сизни ярмаркамизда кўришдан бағоят мамнунмиз, бу ерда Сизларга ЯНГИ АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР ШАРТНОМАЛАРНИ ИМЗОЛАШ ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНГИЗНИ РЕКЛАМА ҚИЛИШНИНГ ажойиб имкониятлари яратилади.

Ярмаркада иштирок этиш масаласи хусусида ярмарка дирекциясига: Тошкент шаҳри, Миробод даҳаси, 12-уй. Тел. (3712) 54-04-87, 55-56-33. Факс (3712) 55-15-57 мурожаат этиш мумкин.

БФ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «БИЗНЕС-ФОНДИ» СИЗЛАРГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:

1. Ҳужжатларни тайёрлаган ҳолда тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит олишга ёрдамлашади.

2. Кредитни олиш учун техник-иқтисодий асосни (Бизнес режани) тайёрлайди.

3. Мавжуд фирмаларни қайтадан ташкил этиш ва тузишга ёрдамлашади, таъсис ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишларни киритишга кўмаклашади.

4. Мулкчиликнинг исталган усулидаги корхоналарни тайёрлаш учун ҳужжатлар мажмуини (Низом, Таъсис шартнома ва бошқалар) тезда ва малакали тайёрлайди.

5. Муҳр ва штампларнинг тайёрланишига рухсатномалар олади.

6. Ҳисоб-китоб ва валюта счётларини очиш учун ҳужжатларни тайёрлайди.

7. Компьютерда фирма белгиси, корхона бланки, буклетлар, этикеткалар ва бошқаларни тайёрлайди.

8. Ҳужжатлардан нусхаларни кўчиради.

9. Ишлаб чиқариш ва омборхоналарни, жиҳозлар, дастгоҳлар, механизмлар, ускуналар ва бошқаларни топишга ёрдамлашади.

10. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга ёрдамлашади ва иншоотлари қурилишига кўмаклашади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «БИЗНЕС-ФОНДИ» ВА УНИНГ ТУМАН БЎЛИНМАЛАРИ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Тошкент шаҳри — 44-53-59, 44-56-72
- Акмал Икромов тумани — 74-12-91
- Бектемир тумани — 92-68-48
- Миробод тумани — 54-27-27
- Мирзо Улуғбек тумани — 68-02-53
- Собир Раҳимов тумани — 48-39-80
- Сергели тумани — 58-02-85
- Ҳамза тумани — 94-16-70
- Чилонзор тумани — 76-88-74
- Шайхонтоҳур тумани — 41-21-20
- Яккасарой тумани — 55-66-13
- Юнусобод тумани — 34-13-59.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг санитария-эпидемиология станцияси маъмурияти ва касаба уюшмаси жамоаси санитария-гигиена бўлимининг бошлиғи Зуҳра Убайдуллаевна Саидовага онаси

Офтоб ая НАСРИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти ҳамда нефть ва газ факультети профессор-ўқитувчилар жамоаси доцент Ҳаким Толиповга отаси

ТОЛИП бобонинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси 2-туғруқхона бош шифокори Урал Абдусаматович Абдусаматовга отаси

Абдусамат АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлималарига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0632. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 5.443 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.